

# السلامة

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

## МАХСУС СОН 10. 2012

«РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ  
ХУЛҚ ЖИҲАТИДАН ОДАМЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ ЭДИЛАР»



2012

МАХСУС • СОНДА •

### Ё РАСУЛАММОҲ!

ДУШМАНЛАРИНГИЗ СИЗНИ ОДАМИЙЛИГИНГИЗ САБАБЛИ  
ЁМОН КЎРИЩДИ. УЛАРГА БУ АDOVAT ИБЛИСДАН УТГАН.  
ИБЛИС ОДАМГА ОДАМЛИГИ УЧУН ДУШМАН БЎЛГАН ЭДИ.

ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМГА МАКТУБ • НАБИЙДА ГЎЗАЛ ЎРНАК  
БОР • КОИНОТ ФАҲРИ ОЛАМЛАР САРВАРИ • МУҲАММАД (С.А.В)  
ЁЛҒОНЧИ ЭМАСЛАР • ЭСКИ АШУЛАТОВОҚНИНГ ЯНГИЧА ДИЙДИЁЛАРИ •  
АДОЛАТ МЕЗОНИДА ЎЛЧАНСА... • Ё РАСУЛУЛЛОҲ! •  
НАБИЙ (С.А.В) АҲЛОҚЛАРИ ҲАҚИДА • АЖБУЗ-ЗАНАБ



## ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИССАЛОМГА МАКТУБ

“Ассаламу алайка, эй Аллоҳнинг маҳбуб Пайғамбари, Унинг оламларга юборган раҳмати ва бутун коинотнинг Фаҳри! Сизга ёзаётган ушбу мактубим чидаб бўлмас аламлар, руҳий қийноқлар ва юракка ханжар қаби санчилаётган азоблар ичра қоғозга тўкилмоқда. Аллоҳ Ўз иродаси билан Сизни пайғамбарларнинг охиргиси ва мукаррами қилиб юборганига бутун борлик ва махлуқ гувоҳ. Аммо шунга қарамай, Сизнинг нақадар пок ва олий хулқли инсон эканингизни кўролмасдан, ҳасади ва нафрати вужудига сиғмай кетаётган нобакорлар вақти-вақти билан шаънингизга лой отмоқда, номингизни булғашга интилмоқда. Сиз ҳақингизда куракда турмайдиган, ҳатто ёш бола ишонмайдиган тухмат ва ёлғонларни тарқатмоқда. Уларнинг бу қабиҳ қилмишлари худди қуёшнинг нурини тўсмоқчи, мовий самони сидириб ташламоқчи, қорни қора рангга, кўмирни оқ рангга бўяб ташлашни истовчи телбаларнинг қилиғини эслатади. Аммо бу бахти қаролар ҳеч қачон кўзлаган мақсадига етолмаслигини ўзлари ҳам яхши тушунади. Аммо нима бўлса ҳам, бир расволик қилишса, разилликка қўл уришса бўлди. Чаённинг иши нишини санчиш, илоннинг иши заҳрини сочиш, калхатнинг иши ўлакка ейиш, қарғанинг иши гўнг титиш... Ҳамма ўз “касби”ни қилади, ҳамма шайтонга у ёки бу даражада қуллуқ қилади...

Дин душманларининг бу кирдикорларида, уларнинг Сиз ҳақингизда тарқатаётган асосиз тухмат ва ёлғонларида, Сизга қарши Ғарб оламида тез-тез содир бўлиб турган ёмонотлиқ қилиш кампанияларида ҳам илоҳий бир ҳикмат бормикин, деб ўйлаб қоламан. Ғанимларимиз Сизнинг шаънингизга, номингизга қанчалар лой чаплашса, биз – мусулмонлар Сизни аввалгидан кўра, янада кўпроқ яхши кўраверамиз. Сизга бўлган муҳаббатимиз, садоқатимиз, ихлосимиз ўн чандон, юз марта, минг карра кўпайиб боради. Дин душманлари Исломига, унинг Пайғамбарига қанчалар хусумат қилсалар, ёвлашсалар, Исломининг сафлари шунча кенгайди, унинг тарафдорлари кўпайгандан кўпайиб бораверади.

Биз Сизни ҳаммадан кўра, ҳатто бизларни туғиб-тарбиялаган ота-оналаримиздан ҳам, жигаргўшаю яқинларимиздан ҳам, аҳли-аёлимизу содиқ дўстларимиздан ҳам яхши кўраемиз. Чунки буни Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган: “Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир” (Аҳзоб, 6). Чунки буни ўзингиз бизга таълим бергансиз: «Банда наздида унинг аҳлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмаганимча, у (комил) мўмин бўла олмайди» (Муслим).

Бизлар Сизни нечун севмайликки, Сиз таваллуд топган пайтда Аллоҳ таоло инсониятни ширк ва куфр замони туғанидан муждалаб, Румнинг “Сур чалингунча боқий туради” дея шарафланган мустаҳкам қасрларини ер билан яқсон қилди, оташпарастларнинг неча йиллардан бери ёниб турган “мангу” оловлари бир лаҳзада ўчириб қўйди, Форснинг машҳур саройлари йикди, ҳисобсиз бут ва санамларни парчалади.

Нечун Сизни севмайликки, Сиз инсониятни залолат зулматидан ҳидоят нурларига олиб чиқдингиз. Нечун Сизни севмайликки, Аллоҳ таолонинг Ўзи Сизни “Ҳабибим” дея шарафласа, сизни оламларга раҳмат қилиб юборган бўлса! Аллоҳнинг Ўзи “Сен бўлмаганингда бу коинотни яратмаган бўлар эдим”, деган бўлса! Ҳатто Жаброил алайҳиссаломдай улуг фаришта Сидратул Мунтаҳога етганда: “Мен сўнгги че-

градаман, сиз давом этаверинг!” деган бўлса!

Бу севгини бизларга содиқ саҳобаларингиз, салаф издошларингиз ўргатиб кетишган. Саҳобалар ҳар бир сўзингизни ҳеч бир тараддудсиз ишонч билан қабул қилишди. Улар Исломи шавкати йўлидаги ғазотларда Сизни ва Сиз олиб келган динни шерларча ҳимоя қилишди. Улар учун бунга мол-дунёларини, жонлари ва қонларини, энг яқинларини тикиш ҳеч нарса эмасди. Улар ҳатто сиздан тушган бир дона мўйни, таҳорат қилган сувингиз томчиларини, туфлаган тупугингизни таллашиб, бир-бирлари билан уришиб кетай дейишарди. Уларнинг авлодлари эса мана ўн беш асрдирки, Сизнинг йўлингизни маҳкам тутиб, вафотингиздан кейин ҳам Суннатингизга содиқ бўлиб келишяпти.

Бу севгининг кўринишларига тарих кўп гувоҳ бўлган. Вафотингиздан кейин Абдуллоҳ ибн Умар саҳрода кетаётиб, бир жойга етганда туясидан тушар ва энгашиб ўтар экан. Бунинг сабабини сўраганларга “Шу ерда бир дарахт бор эди, Ҳазрати Расулуллоҳ унинг тагидан худди шундай энгашиб ўтардилар”, деб жавоб берган. Имом Молиқдай зот ҳам дунё ишларида Набийга тақлид қилишда машҳур эди: Мадинаи мунавварада бирор марта уловга миниб юрмади, Равзада имомлик қилганида доимо паст овозда гапирди. Усмонли султонлардан бири таҳорати йўқ пайтда Муҳаммад исми ходимини исми билан чақирмай, “Ҳой ходим” деб чорларди. “Пайғамбар ёшидан кейин менинг бу тупроқ устида юришим ҳаромдир”, дея охирзамон Набийга садоқатини изҳор этиб, одамлардан узилди. Увайс Қараний эса Уҳуд жангида Пайғамбар алайҳиссаломнинг бир тишлари сингани хабаридан сўнг сингани қай бири эканини билолмай барча тишларини ўзидан бегона қилди ва Аллоҳнинг Расулига садоқат завқидан масрур бўлди. Уҳуд жангида бир аёлнинг эри, укаси ва отаси шаҳид бўлди. Учқовининг шаҳид бўлганини эшитган аёл “Менга Расулуллоҳни кўрсатинглар, у зотни бир кўрай”, деди. У зотни кўрганидан кейин “Эй Аллоҳнинг Расули, сиз соғ-саломат экансиз, менга қолган мусибатлар ҳечдир”, деди. Бундан мисолларнинг сон-саногини йўқ!

Севги шундай нарсаки, бировни куч ёки сийлов ёрдамида севдириб бўлмас! Ғанимларнинг пайтавасига қурт тушганидан, ҳасади ва нафрати жўш урганидан, чидамаслик ва фирромликдан бугун Сизга тухмат ва иғволар қилаётган экан, бундан мусулмонлар жазавага тушишмайди, қасос ўтида ёнишмайди. Ўзингиз таълим бергандай, бу қабиҳликларга мусулмонга хос виқор, вазминлик ва кечиримлилик билан жавоб беришади. Чунки Сиз Ҳақ Пайғамбарсиз, Ҳақ эса ҳеч қачон заволга учрамайди, йўқ бўлиб кетмайди. Аксинча ботилни йўқ қилиб, инсониятни нурли келажак сари бошлайверади! Аламзада ва кўрнамак кимсаларнинг тиш ғижирлатгани, мушт дўлайтиргани қолади, холос. Сизга ёзаётган мактубимни ўша Сизнинг шаънингизга тухмат қилаётган Ғарбнинг холис ниетли бир шоирининг мана бу фикри билан яқунламоқчиман: «Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдимки, дунё подшоҳлари тўплаган жамики салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан».

**ЖУРНАЛИМИЗНИНГ УШБУ Сони ҒАРБЛИК Дин ДУШМАНЛАРИНИНГ ОХИРЗАМОН ПАЙҒАМБАРИ ШАЪНИГА ҚАРШИ БОШЛАГАН ЯНГИ ХУРУЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВОҒЕАЛАР ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНАДИ.**

**“Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир (Аҳзоб, 6); “Батаҳқиқ, сизлар учун, – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди” (Аҳзоб, 21).**

Ояти каримада айтиляптики, «Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир». Яъни Пайғамбарнинг мўминлар учун тутган ўрни шунчалик улуғки, у асраб олган отадан ҳам, сулбий отадан ҳам, ҳатто ҳар бир мўминнинг ўз нафсидан ҳам юқори даражададир. Унинг бу даражаси доимий ва боқийдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир нарсада мўминлар учун ҳаммадан, ҳатто ўзларидан ҳам устун мақомдадир.

Бу ғоятда олий мақомдир. Бу дунёда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа инсонга берилмаган мақомдир. Бу мақомнинг улуғлигини янада чуқурроқ тушунишимизга ҳадиси шарифлар ёрдам беради.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар: «Менинг нафсим Унинг қўлида бўлган Зот билан қасамки, сизлардан бирортангиз мен то унга ўзидан, молу дунёсидан, боласидан ва барча одамлардан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди».

Имом Бухорий ривоят қилган яна бошқа бир ҳадисда айтилади: «Умар розияллоҳу анҳу: “Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз, – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Йўқ, эй Умар! Токи мени ўзингдан ҳам маҳбуброқ кўрмагунингча, бўлмайди, – дедилар.

## НАБИЙДА ГЎЗАЛ ЎРНАК БОР

Умар розияллоҳу анҳу:

– Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга қасамки, албатта, сиз мен учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўзимдан ҳам маҳбубсиз, – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ана энди бўлди, эй Умар, – дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам ҳақлироқ эканликлари фақат у зоти бобаракотнинг шахслари билан чегараланмайди, балки у киши келтирган таълимотлар ҳам мўминлар учун ҳамма нарсадан устун туриши лозим.

У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: «Сизлардан бирортангиз, токи унинг нафси мен келтирган нарсага эргашмагунимча, мўмин бўла олмайди», – деганлар.

Демак, қандайдир Фалон-Пистонларни ўзига доҳий, йўлбошчи, раҳнамо билганларнинг кимлиги маълум. Ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган Қуръон ва Суннатни қўйиб, бошқа таълимот, назария ва казо-казоларга эргашиб юрганларнинг кимлиги маълум. Муслмон киши эргашадиган таълимот, ҳаётнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъи назар, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган Қуръон ва Суннатдир, бошқа гап ортиқча.

Бу ояти каримага тааллуқли ривоятлардан бирида имом Бухорий улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини ҳикоя қиладилар:

«Ҳеч бир мўмин йўқки, мен унинг учун бу дунё ва охиратда одамларнинг энг ҳақдори бўлмасам. Агар истасангиз, «Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир»

оятини ўқинглар. Бас, қайси бир мўмин ўзидан кейин мол-мулк мерос қолдирса, уни қариндошлари олсин. Агар қарз ёки зое бўлган болалар қолдирса, эгаси менга келсин, мен унинг мавлосиман».

Яъни «Вафот этган ўша мўминнинг қарзини мен тўлайман, етим қолган болаларига қарайман».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўминларга нисбатан мақомларини баён қилиш муносабати билан у кишининг аёлларининг ҳам мўминлар учун қайси мақомда туришлари айтилмоқда.

«Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир». Яъни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари мўминларнинг оналаридир. Мўминларга руҳий-маънавий она мақомидадирлар. Улар ўз оналарини қандай ҳурмат-эҳтиром қилсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларини ҳам шундай эҳтиром қиладилар. Насабий оналарининг никоҳи уларга ҳаром бўлганидек, бу оналарнинг никоҳи ҳам ҳаром бўлади. Бошқа ишлар ва ҳукмлар ҳам шунга ўхшашдир.

Суранинг кейинги оятида айтилишича, мўмин-муслмонлар учун гўзал ўрнак манбаи уларнинг маҳбуб Пайғамбарлари – Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У киши ҳар бир нарсада, ҳар бир сўзда, ҳар бир ишда мўминлар учун гўзал ўрнақдирлар.

Оҳ, қани энди ҳамма шу ўрнакнинг моҳиятини тушуниб етса! Расулуллоҳнинг гўзал ўрнак бўлган гап-сўзлари ҳаводан олинган нутқ эмас, Аллоҳдан қилинган ваҳийдир. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари Аллоҳнинг амри биландир. Ана шундай гап-сўз гўзал ўрнак бўлмай, қайси гап-сўз гўзал ўрнак бўлиши мумкин?! Ана шундай ишлар гўзал ўрнак бўлмай, бошқа қайси ишлар гўзал ўрнак

бўлсин?!

Набий соллаллоҳу алайҳи ва-саллам Аҳзоб урушида ҳам, одат-дагидек, энг гўзал намуналарни кўрсатдилар. Хавф-хатар тасвирлаб бўлмайдиган даражада катта эканига қарамай, заррача кўркмасдан Мадинани ҳимоя қилишга чиқдилар. Душманга қарши нима чора кўриш кераклиги ҳақида саҳобалар билан маслаҳат қилдилар. Салмони Форсий розияллоҳу анҳунинг фикрларини қабул этиб, хандақ қазишни бошладилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва-саллам шундай хатарли ва нозик бир пайтда мўмин-мусулмонлар учун ишонч, орзу-умид, хотиржамлик тимсолига айландилар. Ким тушкунликка тушса, кўркса, иккиланса, умидсизланса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриши билан бу туйғуларидан фориг бўлар эди.

Хандақ қазиш ишларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммага ўрнак бўлиб, тер тўқдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ер қазир, тупроқ сураб ва замбил кўтарар эдилар. Оғир меҳнат энгиллашиши учун жўр бўлиб, шеър ўқиган саҳобаи киромларга ўзларининг муборак овозлари билан кўшилар эдилар.

Мусулмонлардан бирининг номи Жуъайл (қўнғиз) эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг исмини Амр деб ўзгартирдилар. Бундай хавfli пайтда хунук исмдан қутулиш кайфиятни кўтарар эди. Мусулмонлар бундан хурсанд бўлиб, исм ўзгарганини байтга солиб, баланд овоз билан айта бошладилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам байтнинг охирида уларга жўр бўлиб турдилар.

Саҳобалардан Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ёш бўлишига қарамай, тупроқ ташир эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб, «Қандай ҳам яхши бола экан-а?» деб эркалатдилар. Зайд ибн Собит иш давомида чарчаб, хандақда ухлаб қолди. Шунда Аммора ибн Ҳазм унинг қуролини олиб қўйди. Зайд уйғонгач, қуроли йўқлигини кўриб кўрқиб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам: “Ҳа, уйқучи, ухлаб ётганинда қуролинг кетиб қолибдими?” деб ҳазил қилдилар. Сўнгра: “Бу боланинг қуролини ким билади?” деб сўрадилар. Аммора: “Эй Аллоҳнинг Расули, у менда”, деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Унга қуролини қайтар”, дедилар-да, кейин мусулмон кишининг бирор нарсасини ўзига билдирмай олиб қўйиб, кўрқитишдан қайтардилар.

Салмони Форсий розияллоҳу анҳу хандақ қазиётганида, олди-дан катта харсангтош чиқиб қолди. У харсангни синдира олмади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб, унинг қўлидан чўқморни олдилар. Харсангни куч билан урган эдилар, ўт чақнаб кетди. Яна бир урган эдилар, яна ўт чақнади. Учинчи марта урган эдилар, учинчи марта ҳам ўт чақнади. Шунда Салмони Форсий розияллоҳу анҳу:

– Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, мен кўрган нарса нима ўзи? Зарба берганингизда ўт чиқди? – деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Сен ўшани ростдан кўрдингми, эй Салмон? – деб сўрадилар. Салмон розияллоҳу анҳу:


– Ҳа, – деб жавоб берди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Биринчиси билан Аллоҳ таоло менга Яманни фатҳ қилди. Иккинчиси билан Аллоҳ менга Шомни фатҳ қилди. Учинчиси билан Аллоҳ менга Мағрибни фатҳ қилди, – дедилар.

Бу хабар яшин тезлигида мусулмонлар ичида тарқалди. Уларнинг руҳлари юксалди, ғалабага бўлган ишончлари мислсиз даражада ортди. Шу билан бирга, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тинмай Аллоҳ таолога ёлворар, намоз ўқиб, муножот қилар, Роббул оламийннинг Ўзидан нусрат сўраб эдилар. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси мусулмонлар учун гўзал ўрнақдир. Шунинг учун ҳам ўзларидан кўра сон ва қурол жиҳатидан ғоятда устун бўлган аҳзобларни кўрган мўминлар заррача кўркмадилар.

(“Тафсири Ҳилол”дан).



## КОИНОТ ФАҲРИ ОЛАМЛАР САРВАРИ

Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анхундан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзи кишилар у зотни кутиб ўтирар эдилар. У зот чиқиб, уларга яқинлашганларида ўзаро эслашиб, баъзилари: «Қаранг-а, Аллоҳ азза ва жалла Ўз халқидан Иброҳимни халил қилиб олган-а!» деганини; бошқаси: «Мусонинг гапидан ажойиброқ нарса борми? Унга Роббиси ўзига хос гапирган-а!» деяётганини; яна бири: «Ийсо Аллоҳнинг калимаси ва руҳидир!» деганини; яна бош қа бири: «Одамни Аллоҳ саралаб олгандир!» деганини эшитдилар. Шунда у зот уларнинг олдига келиб салом бердилар ва: «Батаҳқиқ, гапингизни ва қойил қолаётганингизни эшитдим. Албатта, Иброҳим Халилуллоҳдир. Ҳа, у зот шундоқдир. Мусо Нажиюллоҳдир. Ҳа, у зот шундоқдир. Ийсо Рухуллоҳдир ва Унинг калимасидир. Ҳа, у зот шундоқдир. Одамни Аллоҳ саралаб олгандир. Ҳа, у зот шундоқдир. Огоҳ бўлинглар! Фахр эмас-ку, мен Ҳабибуллоҳман! Фахр эмас-ку, мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчиман! Мен биринчи шафоат сўровчиман! Фахр эмас-ку, мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман! Фахр эмас-ку, мен жаннатнинг ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ менинг учун уни очур ҳамда мени ва мен билан умматининг фақирларини унга киритур. Фахр эмас-ку, мен аввалгилару охириларнинг энг мукаррамиман!» дедилар».**

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда энг улуғ пайғамбарларнинг ва уларнинг афзали бўлмиш Мухаммад мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларига хос афзалликлари ҳақида сўз кетмоқда. Аллоҳ таоло Ўзи юборган пайғамбарларнинг баъзиларига ўзига хос афзалликларни ҳам ато қилган. Бу ҳақиқатни аввалги динларга эргашувчилар ҳам яхши билишар эди. Шунингдек, бу маънода саҳобаи киромларда ҳам маълумот пайдо бўлган эди. Улардан бирлари— Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху мазкур мавзудаги суҳбатлардан бирини ривоят қилиб бермоқдалар.

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзи кишилар у зотни кутиб ўтирар эдилар». Одатда, бундоқ кутиш Масжиди Набавийда бўлар эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳужраи саодатда бўлганларида суҳбатларига муштоқ саҳобийлар масжидга тўпланишиб, у зотнинг чиқишларини кутиб ўтиришар эди. Бу сафар ҳам худди ана ўшандай кутишлардан бири бўлаётган эди.

«У зот чиқиб, уларга яқинлашганларида ўзаро эслашиб,

баъзилари: «Қаранг-а, Аллоҳ азза ва жалла Ўз халқидан Иброҳимни халил қилиб олган-а!» деганини; бошқаси: «Мусонинг гапидан ажойиброқ нарса борми, Унга Роббиси ўзига хос гапирган-а», деяётганини; яна бири: «Ийсо Аллоҳнинг калимаси ва руҳидир», деганини; яна бош-қа бири: «Одамни Аллоҳ саралаб олгандир», деганини эшитдилар». Яъни, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳужраи саодатдан чиқиб саҳобаи киромлар ўтирган жойга келгунларича уларнинг суҳбатларига қулоқ осдилар. Уларнинг гаплари асосан ўтган пайғамбарлардан Иброҳим, Мусо, Ийсо ва Одам алайҳимуссаломга Аллоҳ таоло томонидан берилган ўзига хос фазилатлар ҳақида кетар эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам улар ўтирган жойга етиб келдилар. «Шунда у зот уларнинг олдига келиб салом бердилар».

Демак, суҳбатлашиб ўтирган кишилар олдига келган шахс уларга салом бериши керак экан. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўша одобга амал қилдилар. Кейин эса, саҳобаи киромларга қуйидагиларни айтдилар: «Батаҳқиқ, гапингизни ва қойил қолаётганингизни эшит-

дим». Яъни, олдингизга келаётиб йўлда сизлар гапираётган гапларни эшитдим, баъзи пайғамбарларга Аллоҳ таоло томонидан берилган фазлларга ҳавас қилиб, қойил қолиб гапирганингизни тингладим, дедилар.

«Албатта, Иброҳим Халилуллоҳдир. Ҳа, у зот шундоқдир». «Халил» сўзини таржима қиладиган бўлсақ, орасидан қил ҳам ўтмайдиган дўст маъноси чиқади. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни ўшандоқ дўст тутган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди», деган.

«Мусо Нажиюллоҳдир. Ҳа, у зот шундоқдир». Набий дегани, муножот қилувчи — сир гаплашувчи дегани. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом билан ўзига хос муножот қилгани маълум. У зотнинг Ўзи Қуръони каримда: «Ва Биз сенга бундан олдин қиссаларини айтиб берган ва қиссаларини айтиб бермаган Пайғамбарларни юбордик. Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплаш-



ди», деган.

«Ийсо Рухуллоҳдир ва Унинг калимасидир. Ҳа, у зот шундоқдир». Ийсо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амри ила Жаброил алайҳиссалом Биби Марямнинг ёқаларидан руҳ пуфлаганларида халқ қилинганлари учун «Рухуллоҳ» деган номни олганлар. Аллоҳ таолонинг «Бўл!» деган калимаси ила пайдо бўлганлари учун «Калиматуллоҳ» номини олганлар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бу ҳақда: «Фаржини пок сақлаган аёлни эсла. Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик. Уни ва унинг ўғлини оламларга оят-белги қилдик», деган. Ушбу ояти каримадаги «фаржини пок сақлаган аёл» Биби Марям, «унинг ўғли» Марямнинг ўғли -- Ийсо алайҳиссаломдир. «Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик»дан мурод, Аллоҳ таолонинг амри ила Жаброил алайҳиссаломнинг Биби Марямнинг ёқаларидан пуфлаганлари ва у киши Ийсо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлганларидир.

«Одамни Аллоҳ саралаб олгандир. Ҳа, у зот шундоқдир». Одам алайҳиссалом «Сафиюллоҳ» деб аталади. Бу сўзнинг маъноси, Аллоҳнинг саралаб олгани деганидир. Бу ҳақда ҳам Қуръони каримда оят бор. Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли

Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди», деган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур улуғ пайғамбарларнинг фазилатларини тасдиқлаб бўлганларидан кейин саҳобаларига мурожаат қилиб, яна қуйидагиларни айтдилар: «Огоҳ бўлинглар! Фаҳр эмас-ку, мен Ҳабибуллоҳман!» Яъни, Аллоҳнинг маҳбубиман. Албатта, бу сифат улуғ фазилатдир. Бундоқ мақомга пайғамбарлардан ҳеч кимлари сазовор бўлмаганлар.

«Фаҳр эмас-ку, мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчиман!» Бу мақом ҳам ҳеч бир кимсага насиб қилмаган мақом.

«Мен биринчи шафоат сўровчиман!» Бу мақомдан ортиқ қандоқ фазилат бўлиши мумкин?!

«Фаҳр эмас-ку, Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман!» Бу ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаммадан афзал эканликларининг кўпгина далилларидан бир далилдир.

«Фаҳр эмас-ку, мен жаннатнинг ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ менинг учун уни очур ҳамда мени ва мен билан умматимнинг фақирларини унга киритур». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёмат куни жан-

нат дарвозасига келиб, жаннат эшиklarини очишни талаб қилиб, унинг ҳалқасидан ушлаб тақиллатар эканлар. Ана шунда Аллоҳ таоло у зотга жаннат эшигини очар ва у зот биринчи бўлиб жаннатга кирар эканлар. Бу ҳол ҳам Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсониятнинг энг афзали эканликларини кўрсатади. У зот билан умматларининг фақир-фуқарolari ҳам бирга жаннатга кириши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фазллари ва бу дунёда уммати муҳаммадиядан турли сабабларга кўра камбағал ҳолда ўтган муслмонларга улкан хушхабардир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг сўзлари охирида: «Фаҳр эмас-ку, мен аввалгилару охиригиларнинг энг муқаррамиман!» дедилар». Бу гапда ҳеч қандай муболаға ёки фахрланиш ҳисси йўқ. Бори шу. Воқеълик шу. Аллоҳ таолонинг иродаси шу. Фаҳр эмас-ку, мазкур фазилатга соҳиб бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари ҳам аввалгию охириги умматларнинг энг афзалидир.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 19-жилд, 31-36-бетлар).

# МУҲАММАД (с.а.в) ЁЛҒОНЧИ ЭМАСЛАР

Биз қуйида машҳур инглиз файласуфи Томас Карлайлнинг (ингл. Thomas Carlyle, 1795-1881) «Қаҳрамонлар» деб номланган китобидан иқтибослар келтирамиз. Муаллиф ушбу китобда ўзининг насроний ватандошларига қарата Набий алайҳиссалом ҳақларида кўп ва хўб сўзлайди. Марҳамат, ушбу сўзларни тингланг:

«Ушбу асрнинг энг шармандали ҳолатларидан бири шуки, одамлар «Ислом дини ёлғондир, Муҳаммад эса ёлғончи ва қаллобдир» дейдиган ҳар хил сафсатабозларга қулоқ солиб юришибди. Биз бундай кенг тарқалган, бўлмағур ва шармандали гап-сўзларга қарши курашмоғимиз керак. Бу Пайғамбар келтирган рисолат ўн икки аср давомида миллионлаб кишилар учун йўлчи юлдуз, нурли машъала бўлган. Ёки кимдир ўша миллионлаб кишилар яшаган ва вафот этган бу рисолатни уйдирма ёки қалбаки нарса деб ўйлаши мумкинми?

Менга келадиган бўлсак, мен бундай фикрга ҳеч қачон рози бўла олмайман. Агар ёлғон ва алдов Худонинг бандалари орасида бу қадар кенг ёйилиб, уларнинг қалбларида шу қадар чуқур ўрин олган экан, у ҳолда бутун инсониятни калтафаҳм тентаклар деб аташ керак бўлади. Минг афсус. Бундай куракда турмайдиган гапдан ҳам ёмон фикр бўлиши мумкинми, бундай қарашларнинг тарафдорларидан ҳам ожиз киши бўлиши мумкинми? Бундай одамларга бошқалардан кўра кўпроқ ачиниш керак.

Қўшимча қилиб айтаманки, дунёнинг яратилиши ҳақида илмда озгина бўлса ҳам бирор муваффақиятга эришмоқчи бўлган ҳар қандай одам бундай телбаларнинг бирорта сўзига ишонмаслиги керак. Уларнинг айтган гаплари – иймонсизлик, динсизлик ва даҳрийлик даврида етиштирилган маҳсулотдир. Уларнинг барча даъволари – қалбларининг қоралиги, ахлоқларининг тубанлашувига бевосита далилдир, бу тирик танадаги ўлик қалб аломатидир.

Дунё ҳали бу қадар даҳрий ва пасткаш назарияни кўрмаган бўлса керак. Азиз биродарлар, ёлғончи одамнинг бирор динни вужудга келтириб, уни ошқора тарғиб қилиб юганини ҳеч кўрганмисиз? Худо ҳаққи, ўзини қурувчиман деб атаётган ёлғончи оддий фиштин уй ҳам қура олмайди, чунки у оҳақ, гипс, лой ва шу каби хом ашёларнинг хусусиятларини билмайди. Бундай каззоб қурган нарса уй эмас, балки кўпроқ илм-тешик дўнглик ёки қандайдир қорешмадан иборат

уюмга ўхшайди. Йўқ, бундай «иншоот» ўн икки аср собит туришга, миллионлаб кишиларнинг ҳаёт тарзига айланишга лойиқ эмас. Бундай иншоотнинг устунлари қийшайиб, пештоқлари эса аввал бўлмагандек, қулаб тушади.

Шунинг учун биз Муҳаммад алайҳиссаломни ўзининг ғаразли мақсадларига эришиш учун ҳийла ва макр ишлатадиган ёлғончи ёки сохтакор деб асло ҳисобламаймиз. У ҳокимиятга интилган ёки подшоҳларнинг даражасига ва шу каби бошқа эгри мақсадларга эришмоқчи бўлган деб ҳисобламаймиз.

У зот келтирган рисолат очиқ-ойдин ҳақиқатнинг айнаи ўзи, унинг сўзи эса мутлақ рўйи рост эди. Йўқ, йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом ёлғончиҳам, хомхаёл ҳам бўлмаган. Бу оддий ҳақиқат ҳар қандай ёлғонга зиддир, у иймонсиз кишиларнинг ҳар қандай даъволарини инкор этади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, у зот ҳеч қачон, ҳеч кимдан ҳеч қандай сабоқ, дарс олмаган, маъруза эшитмаган. У пайтларда араб тупроғида хат-саводли бўлиш ҳам кенг тарқалмаган эди. Ё Раббим, бу араблар қанчалар саводсиз бўлишган-а! Муҳаммад алайҳиссалом ўз билимларини бирор бошқа манбадан олмаган, бегона маёқнинг нуридан фойдаланмаган. У зот барча пайғамбарлар каби бўлган, у зот мен замонлар зулмати ичра йўл кўрсатиб турувчи машъалаларга ўхшатадиган буюк инсонлардан бири бўлган.

У зот бутун ҳаёти давомида ўз йўлида собит турган ва бу йўлни қатъий ва виждонан ҳимоя қилган. У зот чинакам олижаноб, меҳрибон, солиҳ ва тақводор инсон бўлган. У зот бир олам фазилатлар соҳиби эди, у эркин эди, у чинакам, том маънодаги эркак эди, самимий, кучли, қатъиятли ва айнаи пайтда хушмуомала, юмшоқ табиатли инсон эди. У зот одамларни очиқ юз билан, очиқ кўнгил билан кутиб олар эди. У зот одамларга доим яхши муомала қилар, ёқимли сўхбатдош эди. У зот баъзан ҳазил-мутойиба ҳам қилар, шунда юзи соф юракдан чиққан нурли табассум-ла ёришар эди. Ваҳоланки баъзи одамлар борки, уларнинг кулгиси

сўзлари ва амаллари каби ёлғон ва сохта бўлади».

Томас Карлайл яна шундай ёзади: «У зот одил, эзгу ниятли, ҳассос, топқир эди. Унинг юраги кўрқув билмас эди. У зот гўё нурга йўғрилган эдики, энг зим-зиё зулматда ҳам олдида йўлини ёритиб турувчи машъал бордек эди. У зот табиатан улуғвор инсон эди. Академияларда таҳсил олмаган, устозлар кўлида ўқимаган эди, бироқ у зот бунга муҳтож ҳам эмас эди.

Мутаассиб насронийлар ва даҳрийлар Муҳаммад фақат шон-шухрат қозонмоқчи бўлган, ўзининг юсак мақоми ва ҳокимияти билан ғурурланмоқчи бўлган, дейишади. Ё Раббим, йўқ ва яна йўқ! Бу саҳро ва тоғлар олижаноб фарзандининг юрагида, унинг меҳр, мурувват, ҳикмат ва ўткир ақл тўла порлоқ кўзларида бу дунёнинг ҳавасига боғлиқ бўлмаган фикрлар бор эди. Унинг қалбида ҳокимлик ва мансаб иштиёқи мутлақо алоқаси бўлмаган ниятлар бор эди. Бундай бепоён қалб ҳақида сўз борганда яна қандай бўлиши мумкин ахир? У зот қалбдан эгрилик қила олмайдиган самий инсонлар тоифасидан эди. Кўрамизки, кўпчилик кишилар ўзларининг турли унвонлар билан аталишини ёқтирадилар, ваҳоланки бу унвонлар кўпинча воқеъликка тўғри келмайди, яъни эгаси бу номга муносиб бўлмайди. Бундай шахслар одатда ҳаётда ҳам ўзининг ёлғон йўлида давом этишни афзал кўрадилар. Бироқ Муҳаммад алайҳиссалом бундай одам эмас эди, у қулоққа хуш ёқадиган, чиройли ёлғонга рози бўлмас, ҳар хил уйдирмаларни ва ҳақиқатга мос келмаган ҳеч бир нарсани суймас эди.

У зот мутлақо мустақил шахс эди. Унинг тили бу дунёда кечаётган жараёнларнинг теран ҳақиқати, моҳиятини баён этар эди. Борлиқ сирлари гўё у зотнинг кўз олдида бутун ҳайбати ва улуғворлиги билан намоён бўлиб тургандек эди. Бу сирларни англашда у зотга ҳеч қандай тўқима, афсона ва ёлғонлар халал бера олмас эди. Бу сир-синоатлар гўё отилиб чиқиб, «Мана мен!» деб наъра тортар эди. Бундай чинакам самимиятнинг буюк илоҳий мазмунга эга бўлмаслиги мумкин эмас эди. Агар у зот гапирса, барча беихтиёр унинг сўзига қулоқ тутар, қалблар эса унинг айтганларини ўзига жо қилиб олар эди. У зот баён этган мавъизаларнинг ёнида бошқа ҳар қандай нутқ оддий чангга монанд, бошқа ҳар қандай сўз қуруқ ва жонсиздек туюлади».

«Келинг «Муҳаммад ёлғончи эди» деяётган ўша золимларнинг қарашларини оддийгина инкор қиламиз. Чунки уларнинг фикрини қабул қилиш – шармандалик ва ўз-ўзимизни мазах қилишдир, бу бемаънилик ва телбалиқдир. Келинг, қалбимиз, юракларимиз бундай фикр-мулоҳазалардан юқори бўла қолсин».

«Ўша бутпараст араблар иймон келтириб, қалб шижоати билан амал қилган бу дин Ҳақиқат бўлишга лойиқдир. Бу дин биз уни ҳақ деб ҳисоблашимизга арзийди. Бу диннинг юрагидан, замиридан жой олган асослар – ишониш, иймон келтириш мумкин бўлган ягона нарсадир. Бу барча динларнинг руҳини ўзига жо этган нарсадир, турли либос ва шаклларда намоён бўлган, бироқ аслида ягона, яхлит нарса бўлган

руҳдир. Ана шу руҳга эргашган инсон дунё деб аталаётган коинот эҳромига бош уриб кириб келган буюк банда бўлади. Ана шу руҳга эргашган инсон дунёнинг тартиб-низомига, Ҳолиқнинг қонунларига мувофиқ ҳолда, уларга зид келмай, уларга қаршилиқ қилмай, бефойда баҳс-тортишув қилмай бораётган бўлади. Ислом кўплаб сохта динлар ва уйдирма ақидалар даврида юборилди ва уларни ютиб юборди, зеро Ислом шунга муносиб эди. Ислом қад кўтаргач, арабларнинг бутпарастлиги қуриган чўпдек ёниб битди, насронийларнинг бесамар мунозаралари ва ҳақдан бошқа барча нарса тўзондек тарқалиб кетди».

«Бу жоҳил уйдирмачилар у зотни товламачи ва фирибгар дейишяптими? Йўқ ва яна бир бор йўқ!!! Юсак фикрлар билан ёнаётган бу жўшқин, ғайратли ва зийрак қалб қандайдир товламачи, фирибгарнинг қалби бўлиши мумкин эмас эди. У зот ўз ҳаётини ҳақиқат деб ҳисоблар эди. Тан олиш керакки, бу дунёнинг энг буюк ва ажойиб воқеъликларидан бири шу эди».

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари ва амаллари у зотнинг бутун инсониятга меҳрибон, мушфиқ, ғамхўр биродар бўлганини кўрсатади. У зот бизнинг биринчи онамиз ва биринчи отамизнинг ўғлидир. Мен Муҳаммадни риё ва сохтакорлик каби иллатлардан табиатан поклиги учун севиб қолдим. У зот ўз фикрида мустақил саҳро фарзанди эди, унга ҳеч ким панднасихат қилмас эди, у зот фақат ўз фикрини сўзлар ва ўзи эга бўлмаган нарсага даъво қилмас эди. У такаббур эмас эди, бироқ айни пайтда ожиз ва ҳақир ҳам эмас эди. У зот ўзининг эркин ва очиқ даъвати билан Византия Қайсарларига, Форс подшоҳларига мурожат қилар, уларнинг бу дунё ва охиратдаги масъулият ҳамда мажбуриятларини кўрсатиб берар, ўзининг бу дунёдаги тутган ўрнини жуда яхши англари эди. Табиийки, у зотнинг бадавий мушрикларга қарши олиб борган оғир урушларида куч ҳам ишлатилган, бироқ шунда ҳам бағрикенглик, олижаноблик, тантилик ва кечиримлилик намоён бўлар эди. У зот куч ишлатилгани учун кечирим сўрамас, бироқ олижаноблиги билан мақтанмас ҳам эди.

«У зот ҳеч қачон ҳеч кимни эрмак қилмас, ўйламай гапирмас ва беҳуда сўзламас эди. У зотни фақат қандай қилиб охиратда хайрли оқибатга эришиш ва қиёмат кунининг азоб-уқубатларидан қутулиб қолиш ташвишлантирар эди. У зотнинг бутун диққат-эътибори ҳаёт-мамонт масаласига қаратилган эди, бу йўлдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда эса у зотга фақат бениҳоя ихлос ва толмас матонат ёрдам берар эди».

«Беҳуда сўзлар, фалсафий сафсаталар ва ҳақиқатни оёқости қилишга келсак, буларнинг бирортасига у зотнинг ҳеч қачон ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Шахсан мен Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан бундай тухматларни энг оғир жиноятлардан бири деб билман. Бундай бемаъни гапларни урчиताётганларнинг қалблари оғир мудроққа чўмган, уларнинг кўзлари

ҳақни кўрмайди, атрофларини эса ёлғон қамраб олган. Исломда шундай бир хислат борки, мен бу хислатни унинг энг гўзал ва олижаноб сифатларидан деб билман – бу инсонларнинг ўзаро тенглигидир. Шак-шубҳа йўқки, бу нарса қарашларнинг ростлиги ва фикрларнинг тўғрилигидан далолат беради. Барча мамлакатлардаги мўминларнинг қалби ўзаро боғлиқдир ва Исломдаги барча кишилар тенгхуқуқлидир».

«У зотнинг нури кенгликларни қамраб олди, у зотнинг ёғдуси бепоён ерларни чулғади, бу нурнинг ришталари шимолни жануб билан, ғарбни шарқ билан боғлади. Бунинг барчаси у зотнинг рисолатларидан

кейинги биргина асрда пайдо бўлди. Араб давлати бир оёғи билан Ҳиндистонда, бир оёғи билан Испанияда турар эди. Узоқ асрлар давомида Ислом давлати инсониятнинг йўлини олижаноблик, бағрикенглик, шон-шараф, жасорат ва журъат нури билан ёритиб келди. Ҳақиқат ва илоҳий раҳбариятнинг кўзни қамаштирувчи нури ер шари аҳолисининг ярмининг қалбини мунаввар этди».


«Почему Ислам?» сайти учун инглизчадан рус тилига АБУ ЯСИН (Руслан Малков) ўгирган.

СЎНГСЎЗ. Кунлардан бир кун ушбу гўзал сўзларни ўқиб қолиб, британиялик бундай мусулмон олимани танимас эканман, деб ўзимни койидим. Шу заҳоти муаллифнинг «Қаҳрамонлар» деб номланган китобини қидира бошладим. Не кўз билан кўрайки, Томас Карлейл мусулмон эмас, балки асли шотландиялик инглиз файласуфи экан.

Беихтиёр, бугунги мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам ўз пайғамбари ҳақида бу қадар чиройли сўзларни айта олмаса керак, деб ўйладим. Ислом олами ҳазрати Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак шаънларига нолайиқ ҳатти-ҳаракатлар туфайли жунбушга келиб турган бугунги кунда британиялик насроний Томас Карлейлнинг юқорида келтирилган сўзлари ҳар бир ақли расо, эс-ҳуши жойида бўлган киши учун ҳар қачонгидан долзарбдир.

Томас Карлейл британиялик ёзувчи, публицист, тарихчи ва файласуф бўлиб, кўплаб асарларнинг муаллифидир. Келтирилган иқтибос унинг «Қаҳрамонлар, қаҳрамонларни эъзозлаш ва тарихда қаҳрамонлик» деб номланган китобидаги «Иккинчи суҳбат. Қаҳрамон пайғамбар сифатида. Муҳаммад: Ислом» деб номланган каттакон бобдан олинган. Ушбу бобдан бир парчани ўзбек тилига ўгириб, «Ҳилол» журнали мухлисларига тақдим этгим келди. Иншааллоҳ,, яқин кунларда ушбу бобни тўлиқ шаклда «Ислом. уз» сайти мухлислари эътиборига ҳавола қиламиз.

Озод Мунаввар.



# ЭСКИ АШУЛАТОВОҚНИНГ ЯНГИЧА ДИЙДИЁЛАРИ

Ислоннинг илк кунларидан бошлаб то бугунги кунимизгача куфр олами, дин душманлари Ислонга қарши жазавали курашини сира тўхтатмаган. Бу хуружларда улар охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга қарши қаратилган турли фитна ва ғаламисликларни айниқса жон-жаҳдлари билан олиб боришади.

Ислон тарихи давомида дин душманлари, уларга жўр бўлган олимлар ва адиблар Ислонга, унинг муқаддасотларига қарши кураш олиб бориш, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шаънилари билан булғаш учун не-не тўхмат-иғволарни ўйлаб топишмади, дейсиз. Айниқса кейинги беш юз йил мобайнида бу кураш янада шиддатли тус олди. Биргина Оврупада шу даврда Ислон ва унинг муқаддасотларига қарши ёзилган 10 минг китоб босилиб чиқди. Оврупа режиссёрлари Ислон, Қуръон ва Муҳаммад алайҳиссаломни ёмонотлиқ қилиш мавзуида 131 та филм ишлашди. Биргина Голландиянинг икки кинорежиссери Гирт Вилдерс ва Ван Гоглар ғайриисломий филмлари билан ўзларида шуҳратга эришган бўлса, дунё мусулмонларининг қаҳр-ғазабига учради.

Ғарбнинг «маданият» арбоблари Ислонга қарши жазавода усулларнинг ҳар қанақасидан ҳам парҳез қилиб ўтиришмайди. Масалан, шарқшунос Монтгемери Ватт ўз китобида: «Муқаддас Қуръон ҳамр ва судхўрликни фақат Мадинада тақиқлаган, чунки бу пайтда Маккада бўлган Пайғамбар Макка мушрикларидан қўрқар эди», деб ёзади. Бошқа бир неча шарқшунос эса Қуръон Аллоҳ томонида юборилган эмас, балки уни Муҳаммад (алайҳиссалом) ёзган, деб даъво қилади (бу «доно»лар Пайғамбаримизнинг ўқиш-ёзишни билмайдиган оми бўлганларидан беҳабар қолишган, шекилли). Бир гуруҳ олимлар эса Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг элчиси эмас, балки ё улўғ ислоҳотчи, ё сўзамол сиёсатчи, ё даҳо бўлса керак, деб тахмин юритади.

Ислон ғанимлари Пайғамбаримиз, коинот фахри, инсонларнинг энг комили бўлган зотга қарши куракда турмайдиган, холис кишилар мутлақо ишонмайдиган, ҳеч қайси соғлом мантиқ ва қуюшқонга сиғмайдиган тўхмат ва иғволарини сочишади. «Диншунос»лар Аллоҳнинг элчисига «қўрқоқ, ақлсиз ва жирттаки одам эди, шоир бўлган, маст ҳолатда вафот этган» каби куракда турмайдиган, ҳатто ёш боланинг ҳам ишониши маҳол бўлган «айб»ларни тақаш билан одамларни алдамоқчи бўлишади.

Ҳозир Европа ва Америкада 220 та «диншунослик», «шарқшунослик» институтлари ишлаб турибди. Уларнинг мақсади Ислонни холис ўрганиш ёки мусулмонларга ёрдам бериш эмас, балки Ислонни ёмонотлиқ қилиш, мусулмонларнинг «ваҳшийликлари», ғарб ҳазорасига

«тахдиди» билан ғайримусулмонларни қўрқитиш, мусулмонлар орасига фитна ва ғаламислик уруғларини сочиш, холос.

«Византия императори Мануил Иккинчи: «Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) янги олиб келган нарсани менга кўрсатинг-чи, унда ўзи тарғиб қилаётган ғояни қилич билан тарқатиш ҳақидаги талабидан иборат фақат ёвузлик ва ғайриинсонийликни кўрасиз», деган эди. Орадан кўп асрлар ўтиб, 2006 йили Рим Папаси Бенедикт Ўноттинчи императорнинг машъум сўзларини Регенсбургдаги маърузасида яна қайтарди. Тўғри, шу муносабат билан бошланиб кетган машмашалардан кейин у нутқи учун бир неча бор мусулмонлардан узр сўрашга мажбур бўлди. Лекин «айтилган сўз – отилган ўқ», Папа ниятига етиб, Ислон ва охирзамон пайғамбари шаънига лой чаплаб бўлинган эди. Мақсад, дунё ҳамжамиятига «Ғарбнинг душмани террорчилар эмас, балки Ислон ҳазорасининг ўзидир», деган ғояни сингдириш керак эди» («Аиф», 2006 йил 41-сон).

Америка насронийлари уюшмаси раҳбари Ваул деган насроний илоҳиётчиси Ислон ва унинг Пайғамбари шаънига шунақанги бўҳтон ва иғво тошларини отадик, бундан хабар топган мусулмонлар ғарб сиёсатдонлари ва ахборот корчалонлари, уларга қўшилиб айрим илоҳиётчилар Ислонга қарши халқаро юриш бошлашибди-да, деган хаёлга бориши турган гап! БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига аъзо бўлган «энг маданиятли» мамлакатларнинг нақ ўн олтитаси мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва Ислонни ёмонотлиқ қилиш йўлига тўсиқ қўйиш бўйича тайёрланган қарорга қарши овоз беришгани бундай хаёлларни янада кучайтириб юборади.

Мусулмонлар бу ҳодисадан ўзларига келмай туриб, АҚШ матбуоти, радио-телевидениесида, улардан ибрат олган Оврупа матбуотида бирин-кетин Ислон динига, мусулмонларга, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарши қаратилган мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар пайдо бўла бошлади. Юқорида тилга олинган «Вашингтон таймс» бу билан ҳам тинчимай, Пайғамбаримиз шаъниларига қилинган тўхматлардан иборат бир бузуқ китобни овоза (реклама) қилган. Бу китобнинг нақадар қабиҳлигини ноширнинг китоб муаллифи ҳақидаги биргина жумласидан ҳам билса бўлади: «Муаллиф Роберт Спенсер террорчиликка қарши курашда зафар қозониш учун Муҳаммадни (с.а.в.) ва Ислонни обрўсизлантириш нақадар муҳимлигини яхши тушунади».

Уммон ортидаги оғаларидан ортда қолмасликка тиришган Оврупа матбуоти Ислонга лой сочишда «ўзини кўрсатди». Дания, Франция ва бошқа айрим мамла-



катларнинг матбуотида Пайғамбаримизга қарши карикатуралар пайдо бўлди ва бу бутун муслмонларнинг нафрати ва қаҳр-ғазабига учради. Юқорида тилган олинган голландиялик бузуқи кинорежиссёр Тео Ван Гог ўз филмида яланғоч хотиннинг уят жойига муслмонлар учун муқаддас сўзни ёзиб, жазава гулханига мой қуйди ва бу ҳақсизликка чидамаган бир муслмон қўлида шармандали ўлим топди.

Ориана Фаллачи деган италян ёзувчисининг рус тилига ўгирилган «Нафрат ва фахр» («Ярость и гордость», Москва, 2004) номли китобида ҳам Ислом ва муслмонлар, Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларида шунақанги гапларни, ғазаб ва нафрат тўлиб-тошган тухмат ва ифволарни келтирадики, наҳот шу бўҳтонлар эсли-хушли, катта тажрибага эга ёзувчининг қаламидан чиққан бўлса, дея таажжубга тушасиз.

Муҳаммад алайҳиссалом шаъниларига қилинаётган хуруж ва ғаламсликлар бугунги кунда ҳам пасайгани ва тингани йўқ. Бундан бир неча йил олдин оврупалик рассомнинг у зотни «тасвирлаб» чизган бир неча карикатуралари бутун дунёда катта норозиликлар ва кескин амалий чоралар кўрилишига олиб келган бўлса, яқинда Америкада яшайдиган бир фитначи қибтий «Муслмон иффати» деган ном билан қисқача бир филм ишлаб, унда Ислом дини, муслмонлар ва уларнинг ҳақ Пайғамбари шаънига лой чаплади. Мазкур филм бир муддат Интернет тармоқларида намоиш қилинганидан кейин вазиятнинг қалтислигидан қўрқиб кетган мутасаддилар уни тармоқда кўрсатилишини тақиқлашга мажбур бўлишди.

Филмнинг пайдо бўлиши барча муслмонлар, ҳатто муслмон бўлмаганларнинг ҳам қаттиқ норозилиги ва ғазабини кўзгади. Ливияда қони жунбушга келган айрим муслмонлар ҳатто АҚШ элчиси ва дипломатларини ўлдиришгача боришди. Ҳақ Пайғамбар шаънига қилинаётган ифлос «ўйин»лардан тўйган Покистоннинг темирйўл вазири ҳатто филм ишлаган фитначини тутганга ўз ҳисобидан юз минг доллар ҳадя қилишини эълон қилишга мажбур бўлди. Бунинг можароси тугамай туриб, Франциядаги бир нашр ўз муштарийларини кўпайтириш илинжида Ғарбнинг тажрибасидаги эски усулни қўлади: Пайғамбаримизни қоралашга қаратилган бир неча карикатуралар эълон қилди.

Энди ҳар бир ақли расо кишида шундай савол туғилиши табиий: «Ғарбнинг асрлар мобайнида Исломга қарши бўлиб келгани тушунарли эди, чунки ҳар қандай эски таълимнинг янгисини қабул қилиши қийин кечади. Аммо Ислом дини ўн беш асрдан буён ўзининг зафарли юришини давом эттираётган экан, муслмонлар ўзларидан олдинги пайғамбарлар ва китобларга иймон келтиришган ҳамда уларни ёмонлашдан мутлақо тийилишган экан, бугун Исломга яна тухмат ва ифво тошларини отишга, охирзамон Пайғамбарини ёмонлашга ғарбагиларни нима мажбур қилаётир?» Бунинг сабаблари кўп. АҚШ президенти Барак Обама мамлакат ҳукуматининг машъум филмга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамаганига қарамай, унинг пайдо бўлишига «катта сиёсат» бевосита аралашгани ҳеч кимга сир эмас.

Исломга ва унинг Пайғамбарига қарши олиб борилаётган хуруж ва душманликлар бирор кимсанинг хаста дунёқарашида бирданига шаклланиб қолган васаса эмас, балки пухта ўйланган ва режали олиб бориладиган кампания эканини ҳатто ғарб тадқиқотчилари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ҳам яшириб ўтиришмайди. Уларнинг ёзишича, бу ғаразли кампаниянинг ортида кўпинча катта пул эгалари, мансабга кўз олайтирган омадсиз сиёсатдонлар ва насроний черковининг ҳасадгўй раҳнамолари туришади. Ҳақиқатан, бундай Исломга қарши васавасалар кўпинча АҚШ ва Оврупа мамлакатларида президент ёки парламент сайловлари олдидан аланга ола бошлайди. Қолаверса, насронийлик динининг раҳнамолари черковлардан художўйлар қадами узилиб, уларнинг ҳувиллаб қолаётгани, аксинча дунёда муслмонлар сони шиддат билан кўпайиб, масжидлар тобора торлик қилиб қолаётгани, минглаб тарафдорларининг Ислом томонга тез-тез бўй чўзаётгани ёки тортиниб ўтирмай, шартта муслмонлар сафига қўшилаётгани аламини кўпинча Исломни ва Пайғамбарни ёмонотлиққа чиқариш билан олмоқчи бўлишади. Ҳасад ва нафрат фойда бермагач, очиқ-ойдин душманлик йўлини танлаб кўяқолишади. Уларга Исломни ёвузлик ва зулм дини, Пайғамбарини урушга чорловчи одам, муслмонларни урушқоқ ва террорчи қилиб кўрсатиш осонроқ туюлади. Агар бирор киши насронийлик ёки яҳудийлик



дини, уларнинг пайғамбарлари ҳақида бирор оғиз ёмон сўзлаб кўрсин, уни судга чақиравериб тинкасини қуриштиради. Аммо муслмонлар ҳақида ҳар қанча ёмонлик ёки душманлик қилинса, айбдорга устларида шунчаки пўписа қилиб қўйишса-да, ичларида “бопладинг, азамат, бу муслмонларга ҳали бу ҳам камлик қилади, берган чойчақамизни оқладинг”, деб алқаб қўйишади. Мунофиқ Фарбнинг асл башараси шу!

Олмонияда бўлган норозилик намойиши қатнашчиларидан бирининг мана бу саволи кишини ўйлантиради, бу саволни эса бугун ҳар бир муслмон беряпти: “Одатда қоратанли кишини қоралаш “ирқчилик” дейилади, яҳудийларни қоралаш “антисемитизм” дейилади, унда нега муслмонларни қоралаш “сўз эркинлигига риоя қилиш” деб аталадиган бўлиб қолди?” Немис намойишчисининг бу саволига маънилироқ жавоб бериш ҳақида негандир ҳеч ким бош ҳам қотираётгани йўқ.

Лекин сохта эҳтиросга берилиш ва жиззакилик қилиш муслмонларга хос нарса эмас. Муслмон киши Исломи ва унинг Пайғамбарини ёмонотлиқ қилиш, бу билан муслмонларнинг ғазабини кўзга илтижога уйқуси қочган олим ва қаламкашлар билан тортишиб ўтиришмайди-да, уларни ўзларидан чиққан холис, инсофли, адолатпарвар ҳамкасбларига рўпара қилиб қўя қолишади. Яхшиси ана шундай холис фикрлардан баъзиларига бир қулоқ солинг:

Атоқли файласуф Шебол бунда ёзади: «Ҳазрати Муҳаммаднинг одам боласи бўлгани бутун инсониятга катта фахрдир. Чунки у зот уммий бўлса-да, ўн тўрт аср аввал шундай қонун ва асосларни келтирдик, биз, оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб етсак, энг масъуд, энг саодатли насллар бўламиз».

Франсиялик таниқли олимлардан Ла Мартиннинг мана бундай сўзлари бор: «Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да кўп иш қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, Муҳаммад (алайҳиссалом) инсонларнинг энг буюғидир. Муҳаммад (алайҳиссалом) бир пайтнинг ўзида пайғамбар, нотик, даъватчи, қонуншунос, жангчи, қалблар ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом, давлат арбоби, ер юзининг йигирма минтақасида исломий

салтанат қура олган зот эди...Унга ҳеч қандай инсон тенглаша олмайди! Наҳотки у ўлчовларга сифса?!»

Фарблик таниқли шарқшунос Вилиям Муирнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: «Ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақида гапирганларимиз бир нуқта устида тўпланади. У ҳам бўлса унинг хулқатвори олийлиги, ахлоқининг покизалигидир. Булар шундай улуғ фазилатларки, у замоннинг маккаликлари орасида жуда нодир эди».

Франция Коммунистик партияси котиби Роже Гароди бундай ёзади: «Муҳаммад пайғамбар ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган ҳолда Форс ва Византия каби қудратли салтанатларни ягона Парвардигор низоми билан яшашга даъват этгандилар».

Олмон шоири Гётенинг мана бундай дегани ҳаммасида ўтиб тушади: «Мен дунё тарихини ўқиб бир хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жамики салтанату бойлик, қасрлари саройлар Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан» («T.P. Hudhes-Dictionary of Islam», 1985 p.526).

Иқтибос келтиришни шу ерда тўхтатиб, гапнинг индаллосига ўтамиз. Халқимизда “Ит хурар, карвон ўтар” деган тағдор бир мақол бор. Фарбдаги эсини йўқотиб, жазавага тушаётган ғанимларимизга Исломи, Пайғамбарини ва муслмонларни қанчалар ёмонотлиқ қилишмасин, уларни бадном қилиш учун қанақанги ҳийла ва фитналар ўйлаб топишмасин, мақсадларига асло ета олмасликларини англаб етиш вақти етди. Чунки куёш нуруни тўса оладиган, ҳақни йўққа чиқаришга, тарих ғилдирагини ортга буриб юборишга қодир куч ер юзида ҳалигача топилгани йўқ. Қанчалик қудратли ва дасти узун бўлмасин, ҳали ҳеч ким ҳақиқатни топташга, Аллоҳнинг нуруни сўндира олишга ва оқни қора қилишга эриша олмаган. Бу исбот талаб этмас ҳақиқатни вақти-вақти билан кўролмаслик касалига чалиниб, аламидан ўзини қўйишга жой топа олмаётган ҳасадгўйлар ҳам билиб қўйишса ёмон бўлмасди.

Беҳзод АБДУРРАШИД.

# АДОЛАТ МЕЗОНИДА ЎЛЧАНСА...

Зулм, душманлик, хусумат, ўзаро нафрат ҳаддан ошган ва ҳар қандай мустабид даврда ҳам чин қалбдан иймон келтирганлар қалбида тинчлик ва хотиржамлик яшайверади. Нега шундай?

Чунки одамлар томонидан бўлмаса ҳам, бироқ барибир бир кун албатта Яратувчи тарафидан адолат тантана қилинишига ишончлари комилдир. Мусулмонлар иймонига кўра, бу дунёда ва баъзи ҳолларда нариги, абадий дунёда ҳақиқат албатта қарор топади. Нима бўлганида ҳам ҳамма нарса бари-бир ҳисоб китоб қилинади ва ҳар бир нарса бўйича тўлиқ адолат ўрнатилади.

Шунга қарамай, ҳамма мусулмонлар қаби бундай қарашга эга эмаслар. Бундай одамларни шартли равишда уч гуруҳга ажратса бўлади:

Биринчи гуруҳга, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, фақат одамлар тўқиб чиқарган қонунларни тан олгани билан унга доим ҳам амал қилмайдиган одамлар мансуб. Мадомики улар Аллоҳга ишонмас эканлар, пайғамбар ҳам улар учун қадрсиздир. Улар пайғамбарни, унинг рисолатларини тан олмас, ҳурмат қилмас экан, булар ҳақоратлаш ҳам уларга жуда осондир.

Иккинчи гуруҳ, насроний ва яҳудийларга ўхшаган тоифалар, улар охиратга ишонадилар, бироқ улар Қуръони карим, Ислом дини, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлари ва таълимотларини холис ўрганиб кўришга ҳаракат қилишмайди. Улар ҳам биринчи гуруҳга ўхшаб Исломга бўлган жоҳиллик ва душманликлари сабабли қарши ҳаракат қилишлари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳақоратлаш ва камситишгача боришлари мумкин. Чунки улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини яхши танимайдилар.

Учинчи гуруҳ еса шу икки гуруҳ орасидадир. Улар ҳам турли сабабларни рўқач қилиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳақорат қилишлари мумкин.

Умуман олганда Исломга бўлган ҳар қандай душманлик фақат жоҳилликдан келиб чиқади.

Маълумки, 2001 йили 11 сентябр фожеасидан сўнг минглаб одамлар Исломни қабул қила бошладилар. Террор хуружларидан ғабланиб, улар "зўравонликни тарғиб қилувчи" дин билан қизиқа бошлашди. Яқиндан танишгач эса, Ислом ОАВ ва шунга ўхшаш нарсалар билан тақдим қилинаётгандан умуман бошқача дин эканига амин бўлдилар. Бу тинчлик, ҳикмат, Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга юборган энг сўнги ваҳийси асосидаги дин эканини би-

лишди. Ва ёппасига иймон келтира бошлашди...

Ўша пайтларда Америка савдо расталари ҳамда кутубхоналар қизиқувчиларга Ислом ҳақидаги адабиётларни етказиб беришдан ожиз қолишди. Чунки, Қуръони карим ва Исломга оид китоблар дарҳол сотилиб, тугаб қолар эди.

Ғарблик аксар одамлар бошқа дин ва маданиятга нисбатан анча бағрикенг ва ҳурмат руҳида тарбияланган бўлишади. Бироқ шундай савол туғилади: сўнги вақтларда Ислом пайғамбарига нисбатан феномен даражасига чиққан ҳақорат ва тўхматлар тўлқини қаердан келмоқда? Буларни қандай изоҳлаш мумкин?

Инсон эканмиз, ён атрофимиздагиларнинг таъсирига тушиб қолишимиз ҳам турган гап. Йиллар давомида мусулмонлар ҳақида янглиш фикрларни тиқиштириш жоҳил оммининг фикри ва ҳатти-ҳаракатларига бетаъсир қолмагани ҳам тушунарли. Ахир улар узоқ муддат давомида Ислом билан кўрқитиш (исломophobia) мақсадида тарқатилган тутуриқсиз маълумотлар хуружи ичида эдилар.

АҚШда эса бу кўриниш "сўз эркинлиги ҳақидаги қонун" баҳонасида мусулмонларни ёмон кўрсатиш, Исломни қоралаш ва унга ҳужум қилиш учун яхши замин яратди. Бу ишларда баъзи шахсларга тегишли ОАВнинг хизматлари катта бўлди. Эҳтимол, террор ҳақидаги гап-сўзлар жамиятнинг маълум бир фикр-қарашларини шакллантириш учун фойдаланилгандир.

Ислом Пайғамбарини ҳақоратлашга қарор қилган одам, бу жирканч амали билан мусулмонларнинг ғабабини келтириб чиқаришини жуда яхши билади. Афсус, шундай ҳам бўлмоқда. Бироқ, уларнинг жирканч амаллари туфайли "домино эффекти" ишга тушса ҳам, уларнинг бундан виждонлари қийналмайди. Бундай манфур кимсаларнинг виждонлари борми ўзи? Диний ҳиссиётлар билан ўйнашиб бўладими, ахир!?

Тарихий шахсларни ёмонлаш, таҳқирлашдан қайтарадиган қандайдир қонун мавжудми? Умуман айтганда, том маънода бундай қонун йўқ. Қачонгача бизлар сўз эркинлигини баҳона қилиб, одамлар орасида тартибсизликни келтириб чиқаришларга, улар орасида нафрат ва зўравонлик оловини ёқишларига қўйиб берамиз? Эҳтимол, ҳаммаси исталган ва керакли натижа учун бўлаётгандир.?!

Сўнги вақтларда гувоҳ бўлиб турганимиздек, бунга ўхшаш нафратни кўзғайдиган нашрлар ва филм туфайли жуда кўп бегуноҳ одамларнинг, хусусан турли мамлакатлардаги ғайридинларнинг ҳам ҳаётларига зомин бўлди.

Яна бир ҳақли савол: сўз эркинлиги АҚШда уйғун

холда яшаётган турли хил миллат, маданият вакилларининг янада хавфсиз ва қулай яшашларига имкон яратиб бердимиз?

Бирга тинч ва осуда ҳаёт кечириш бор нарса, бироқ булар сўз эркинлиги бўлгани учун эмас-ку, балки одамлар қўшинларининг дини ва маданиятини ҳурмат қила олгани ҳисобидан эмасми, ахир. Бу нарса америкаликлар онгига мактаб давридан ва ҳатто ундан олдинги даврларданок сингдириб келинади.

Сўз эркинлиги озодлик ва демократия ерида яшовчи одамлар учун жуда кўп фойда келтирмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, бу эркинликни суиистеъмом қилаётган одамлар топилмоқда. Улар ўнлаб одамларнинг ҳаёти эвазига бўлса ҳам ўзларининг жирканч еҳтиросларини қондириш билан овора. Албатта, бундай ҳолатни нафақат АҚШда, балки бошқа ғарб мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин.

Келинлар, сўз эркинлиги шароитида бундай ифволарга мусулмонлар қандай жавоб қилиши кераклиги ҳақида фикр қилиб кўрайлик. Масалан, қон тўкилишларга сабаб бўлган интернетдаги Исломга қарши филм ҳақида нима десак бўлади?

Сўз эркинлиги билан ўзгаларга ҳурмат ўртасида қандайдир мувозанат ўрнатишнинг иложи йўқми? Албатта, ният бўлса, шунга кўра имкониятлар ҳам топилади. Истаган натижаларга эришиш учун маълум бир ҳаракатларни қилиши инсонга хосдир. Демак, унда кимдир атайин нафрат, тартибсизлик ва саросима уруғларини сочмоқдами?

Дунёда жуда кўп мусулмон уламолари ҳар қандай зўравонликни мутлоқ тарзда қораланди ва турли жоҳил одамлар тўдасини аламзада ниятларидан қайтаришди. Бироқ, миллион-миллион оддий мусулмонларнинг ҳиссиётларини назорат қилиш ўта мушкулдир. Айниқса, жондан ҳам азиз бўлган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кимдир ҳақорат қилиб турган бўлса! Хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак?

Баъзи мамлакатларда мусулмонлар элчихона ва у ерда хизмат қилаётганларга қарши ҳужумлар уюштираётган бўлса, АҚШ мусулмонлари учун янги-янги маломатларнинг ёғилиши ва диний нафрат асосидаги камситишларга дучор бўлишмоқда. Янги мусулмонлар учун эса, бу ўзига хос янги синовлардир.

Демак, нафрат олови янада ловуллаб ёниши сўз эркинлиги туфайли бўлмоқдами? Албатта, сўз эркинлигининг икки томони бор. Бу ерда сўз ким ва кимга қарши ишлатилганига боғлиқдир. Сиёсатга аралашмасдан ҳам бу қонун учун икки хил ўлчов борлигини кўриш мумкин. (Бу қонун ўятто АҚШ конституциясида қайд қилинган бўлиб, адолат ва озодликни ҳимоя қилиш мақсад қилинган бўлса ҳам)

Хўш, америкалик мусулмонлар бундай қийин вазиятда нима қилишлари керак? Америкалик илоҳиётчи Рейнголд Нибур қуйидагича дуо қилар экан: "Парвардигор, нимани ўзгартириш мумкин бўлса, ўзгартиришни насиб қил. Ўзгариши мумкин бўлмаган нарсани қабул қилишимни ва фарқларни тушунишимни насиб айла".

Ислом ҳақида тўғри маълумотларни шакллантириш учун барча чораларни кўриш керак. Америкалик мусулмонлар эса тарих такрорланаётганини асло унут-

масликлари керак. "Қизил хавф" вақтлари эсингиздами, ўшанда ОАВ америкаликларни ўрислар билан қўрқитишар эди. Энди ўша ҳолат яна такрорланмоқда, фақат улар ўзларига бошқа "душман" яъни Исломни топиб олишди.

Шунинг учун ҳозир сабр қилиш, ёнимизда яшаётган бошқа диндагилар билан тотувликда яшаш, Аллоҳ таолога таваккал қилиш керак. Аллоҳга зарра миқдоридаги нарса ҳам махфий қолмайди. Адолат барибир тантана қилади. "На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридаги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан махфий бўла олмас, балки очиқ-ойдин китобдадир" (Юнус, 61).

Одамлар Исломни тўғри тушунишлари учун барча чораларни кўриш, мусулмонлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига зулм қилганларга қай тарзда жавоб берганларини эслашлари керак. У зот ҳатто бунга имкониятлари бўлган вақтларда ҳам уларга нафрат ва зўравонлик билан жавоб қилган эмаслар. У киши ўзилари учун асло қасос олган эмаслар. У зот ўзларининг пайғамбарликларига амин эдилар; пайғамбарлар эса ўз халқлари томонидан ҳамиша зулмга ва ноҳақсизликка дучор бўлишган. Шунинг учун ҳам у зот доим хотиржам ва душманлари билан ҳам ҳурмат оҳангида гаплашар эдилар.

Бироқ, у зот Аллоҳ ва Исломга таъна тошлари отилганида у жим турмас ва ҳар қандай воситалар билан бунга жавоб қилар эдилар. Албатта, бу Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин ва маълум маънода қудратга эга бўлганидан кейингина мумкин бўлди. Маккадаги ўн уч йиллик даъват даврида, у зотга эргашганлар жуда кўп ҳақорат ва йўқчиликларни бошидан кечирганлар. Улар имкон борича сабр қилган эдилар, сўнг эса у зот Мадинага ҳижрат қилдилар ва исломий давлат қура бошладилар.

Пайғамбарлар алайҳиссалом ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш янада катта ёмонликни келтириб чиқаришини жуда яхши билган эдилар. Ислом эса ўзига эргашганларга аввал ёмонликни қайтар, сўнг эса фойда келтиришни ўйла, деб таълим беради. Шунинг учун ҳам Ислом дунёсида бундай нарсаларга мусулмонлар зўравонлик билан жавоб бериши керакми ёки йўқми, бунга тарозига солиб кўришлари керак. Чунки, ҳар бир оқил мусулмон ўз ҳаракатларидан ўзининг ёки бошқа мамлакатлардаги биродарларининг ҳаёти таҳликага учраши мумкин эканини тушунади. Тинч нарозилик намойишлари ҳақиқатдан ҳам зўравонликдан кўра кўпроқ фойда келтириши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, жуда кўп мусулмонлар ўз Пайғамбарлари шаъни учун жонларини ҳам аямайдилар. Бироқ бундай вазиятларда ақл билан иш кўриш керак. Хабарларга кўра, Миср президенти Мурсий Берлинда: "Биз учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган ҳурмат ҳаётларимиздан ҳам устундир", деб айтган экан. Бир мусулмон олими Facebook саҳифасининг бошида шундай ёзувларни қолдирибди: "Мен барча нарсаларим, ҳатто оилам ва ўз ҳаётимни ҳам ҳабиб пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг иззати ҳимояси учун қурбон қилишга тайёрман".

Одамлар жонларини беришга тайёр бўлган

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсиятлари билан мусулмон мамлакатларининг жунбушга келишига сабаб бўлган маъшум филми тасвирга олган одамни қиёс қилиб кўрайлик-чи. Биринчисининг ортида ер юзининг бешдан бир қисми турибди, иккинчиси эса, Christian Monitor газетаси 2012 йили 15 сентябр сонидида хабар беришича, банк соҳасидаги фирибгарлиги ва шартли равишда озод қилиниш шартларини бузганлиги учун турмада ўтирибди. Расмда бу одам ҳеч ким уни таниб қолмаслиги учун боши ва юзини ёпиб олган. Ҳақиқатдан ҳам шу одам ва унинг шармандали филми эътибор қаратишга арзийдими?

Мусулмонлар бўлаётган бу ишни ҳаёт синов эканини яхши билишади. Ҳар хил вазиятларни бошидан ўтказган мусулмон буларнинг ҳаммасини имтиҳон, деб билади. Айнан шундай вазиятларда у ўз иймони, содиқлиги ва унга ҳаёт ва бошқа кўп неъматларни ато этган Аллоҳ таолога бўлган яқинлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам мусулмон одам жоҳил бўлган рақиблари даражасигача тушмаслиги, ўзи ва бошқалар зарарига ҳаракат қилмаслиги керак. У шундай ҳаракат қилиш керакки, унинг ҳаракатида зарардан кўра фойда кўп бўлсин. У Аллоҳ адолатли эканини жуда яхши билади: "Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирурмиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз." (Анбиё, 47).

Аллоҳ сабр қилувчиларни яхши кўради, бироқ одамлар баъзан сабр қилгилари келмайди, ўзларича чиройли ва тўғри иш қиляпмиз, деб шошилади ва шундан кўп хатолар қилиб қўяди. Бироқ, Аллоҳ таоло бизларга ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр қилишимизни айтади: "...Шоядқи ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядқи ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ билади, сиз билмайсиз." (Бақара, 216).

Ким соғлом ақлга эга бўлса, у ўзининг ҳар бир қарорини Қуръон нури, Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари билан ўлчайди, Исломи мезонига солади. Вазият қанчалик оғир бўлиб кўринмасин, барибир ҳаммасида яхшилик борлигини билади. Душманлар қанча кўп ҳаракат қилмасинлар, Аллоҳ таоло албатта Ўзи динини ҳимоя қилишини ҳам жуда яхши билади. Охир оқибат Аллоҳ таоло мадади ила Исломи ғолиб бўлади. "Агар сизга Аллоҳ нусрат берса, сиздан ғолиб келувчи йўқ. Агар сизни ташлаб қўйса, Ундан ўзга ким ҳам ёрдам берар эди. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар" (Оли Имрон, 160).

Интернет материаллари асосида Абу Муслим тайёрлади.



## ҲАЖВ ФИЛМГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

“Мусулмонларнинг беайблиги” филми атрофида содир бўлаётган турли ҳодисалар ва билдирилатган фикрлар бу борада биз мусулмонларнинг ҳам тўғри тушунчага эга бўлишимизни тақозо қилади. Мусулмон киши атрофидаги воқеаларни иймон назари билан кўриб, тўғри ақийда қаричи билан ўлчайди, исломий адолат тарозисида ўлчаб, инсоф билан гапиреди. Воқеъликларни тўғри талқин қилиб, уларни таҳлил майдонига чиқариш муҳим ишдир. Ушбу филмга боғлиқ ҳодисаларни олганда ҳам, аввалига назар солайлик: мазкур исқирт иш ушбу малъуннинг ва инсон қиёфасидаги унинг шерикларининг биринчи амали эмас, улар илгари ҳам Аллоҳнинг каломига бўлган тубан даражадаги эҳтиромсизликларини намоён қилган эдилар, мусҳафни ёққан эдилар, бу қабиҳ ишларини барчага кўз-кўз қилган эдилар.

Шунга кўра бу масалада бир қатор жиҳатлар намоён бўлмоқда:

1. Бу бадбахт ва унинг шериклари ичидаги хасад ва адоват илдизи уларнинг ифлос қалбига эмас, балки тарихнинг анча чуқурроқ саналарига, бир қанча катта воқеъликлар силсилаларига бориб тақалади.

2. Мазкур бадбахт ва шериклари аввалги ва ҳозирги ифлосликларини атайлаб амалга оширдилар, атайлаб тасвирга туширдилар ва атайлаб бутун дунёга овоза қилдилар. Олишни билиб, беришни билмаган бу инсон қиёфасидаги бадбахтлар бирор бир хайрли ишга маблағ сарфламай, шундай ишга “кам миқдор” дейилсада, пул сарфлаб туриши уларнинг ниятини фош қилмайдими? Бу иш қандай норозиликлар ва низоларни келтириб чиқаришини улар билмасмиди? Бу бузғунчиликнинг чегараси эртага қаергача етиб боради? Аллоҳнинг Ўзига ҳам “мусулмонларнинг Илоҳисан” деб тажовуз қиладимиди? Бундан ортиқ ҳам тажовуз бўладими?

3. Бунинг устига, дунёдаги асосий хабар тарқатиш муассасалари кимларга тегишли эканлиги аён, улар доимо маълум бир хабарлар мажмуасинигина тарқатишлари ҳам аён, ўша хабарларни ўзлари мақбул кўрган ранглардагина беришлари ҳам аён, маълумот тарқатиш тизгинини ушлаб туриб, бу ишлардан қандай манфаат олишлари ҳам аён. Нега энди улар Ислом ва мусулмонлар ҳақида гапирганда ҳалиги малъунларнинг бири тухматчи, яна бири бир қанча жойда товламачилик билан пул ўғирлаган ва барчалари ўша ишларининг ўзи учун жазога лойиқ муттаҳам жиноятчилар эканлигини эслашни хоҳлашмайди?!

4. Кейин, бу иш пасткашлик эканини ҳамма — мусулмонуну номусулмон эътироф қилиб турган пайтда, бир “дийндор шахс” бу нобакорликни қилиб турса, унинг дийни шаънига бу иш катта доғ бўлиб тушмайдими? Унинг дийндошлари бу қабиҳлик хусусида жим туришлари бу доғни катталаштирмайдими?

5. Яна бир жиҳат. Бу бадбахт шахс ўзи ким? Бирор

илми, ўз дийни доирасида савияси бормидики, ўша савия шундай жирканч тубанликка уни ва унинг дийни обрўйини туширсада, уни ҳимоя қилувчилару қолган дийндошлари бу савияни маъқуллаб турсалар? Ёки унинг тарафдорларию ёнини олувчилар фитна кўзишу низолар чиқаришни ўзларига эп кўриб юришларини энди ошқора намоён қилишга ўтдиларми? Бу иш уларнинг дийнида ҳам гуноҳ эканлигини ўзлари биладиларку! Ёки гуноҳ эканлигини ўзлари ўзларидан яширишга ўтдиларми? Шу ерда муҳтарам шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Тафсири Ҳилол” китобларидан иқтибос ўринлидир: “...Ўзларининг ишлари одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳ-ку. Кофирларнинг иши кишиларни иймондан қайтариш, Аллоҳнинг йўлидан қайтариш ва куфрга юрғазишдир, буни фитна деб аталади. «Фитна ўлдиришдан каттароқдир...», (“Бақара” сураси, 217-оят)”.

6. Бу бечора ўз дийни кўрсатмаларини ўрганмай туриб, бошқа дийндаги маълумотлар хусусида фикр билдиргани бир катта аҳмоқликнинг шармандали мисоли эмасми? Ўз дийни ҳукмида нима яхши ва нима ёмон деб белгиланганлигини билмаган илмсиз бошқа дийн ҳақида, унинг илоҳий китоби ҳақида ҳукм чиқариб гапирishi жаҳолат ботқоғидаги қурбақанинг қуриллашича ҳам эмаску! Ўз ахлати балчиғига булғаниб ётган чўчка барчага баҳо бераверар эканми?!

7. Баъзи таниқли ғарблик арбоб ва шахслар негидир ҳамма нарсани ўз қаричларида ўлчаб гапирмоқдаларки, бу билан араб ва умуман мусулмон юртлардаги асрлар оша ардоқланиб келинган қадриятларни инкор қилмоқдалар, ва энг қўрқинчлиси, буни барчага “тираб туриб” тарғиб қилмоқдалар, ўз қарашларинигина тикиштирмоқдалар. Бу ишлари билан вазиятга ва унинг кейинги оқибатларига салбий таъсир қилаётганларини ё англамаётирлар, ёки ўшандай вазият ва оқибатлар уларнинг мақсадлари талабига жавоб беради. Нега деганда, мазкур инсон қобиғи ичидаги шайтонлар-

нинг қилган иши — бу ҳозирги дунё “қурғоқчилиги шароитидаги” қуруқ ўрмон ичида адоват гулханини ёқиш билан баробар! Тарихдаги кўп воқеъликлар ва ўзгаришлар дийн ва улар ўртасидаги низо ва адоватлар оқибатида содир бўлганини ҳамма билади.

8. Бунинг устига, “қуруқ ўрмон”даги мусулмонлар ёқмаган гулхан авж олаётган бир пайда, аҳоли камайиши жиҳатидан фақат мусулмонлар ҳисобига нажот топаётган яна бир давлатдаги даврий нашрда мусулмонларни масхара қилувчи ҳажвий тасвир чоп этилишига нима дейсиз?

Бу иш учун журъат қаердан топилдикин? Қанчадан-қанча адоват оловини ёққанлар бундай оловларда ўзлари кул бўлиб кетмадиларми?

9. Яна бир қизиқ ҳолат. Бир катта фитна уясидаги шоҳзоданинг қаллиғи ўз ихтиёри билан атайлаб яланғоч бўлиб ечинса, бу фаҳшга даъват қилувчи ишни бегона кўзлар гувоҳ бўладиган

жойда қилсаю уни суратга туширишса, унинг бу фоҳишанамо суратларининг атиги биттасини бир сайт ўз саҳийфасида жойлаштирса ва шу кунларнинг ўзида, юқорида зикр қилинган мальўнларнинг тажовузи оқланмоқчи бўлаётган бир пайтда, ҳалиги шоҳзода орқасида турган ҳукмдор оила бир енгилтабиат қаллиқнинг суратини саҳийфасида жойлаштиргани учун сайтни жавобликка тортиб, маҳкамага арз қилса ва бунда маҳкама ўзи ечинганларнинг фойдасига ҳукм чиқарса! Бундан ҳам кўра тубанроқ, бундан-да адолатсизроқ ва жирканчлироқ савдо бормикан? Бу шўринг қурғур ақлнинг сиғими шунчалар ҳам тор бўларкан-да?

10. Фитнанинг катталиги шундаки, бадбахт, ифвогар ва бузғунчи шахсларгина кўпгина халқлар эътиқод қилиб, эъзозлайдиган ди-

ний рамзларни ҳақорат қиладилар. Уларнинг атайлаб бу ишни қилишлари бу халқларга, уларнинг қадриятларига, улар эъзозлайдиган ва муқаддас ҳисоблаган дийний рамз ва ақийдаларни менсимасликларини фош қилади. Бу ишни ким қилиши мумкин? Албатта, сохта дийндор, худобехабар, ўзида шундай рамз ва қадриятлари йўқлар қилади.

11. Аммо бошқа жиҳатдан, мазкур мальўн аввалги кирдикорлари биланоқ ўзини бадбахтлар жарлигига отган эди. Бу қилмиши эса Аллоҳнинг хикмати ила ўша жарнинг


бежиз эмас. Аллоҳ яратган дунёда, Аллоҳ берган замонда, Аллоҳ берган умр, вақт ва маблағни сарфлаб Аллоҳга қарши иш қиладими инсон? Бошқаларга тузоқ қўйгувчи Аллоҳнинг тузоғига тушганини англай бошладими?!

13. Мусулмон одам учун бу филмни кўришга интилиш, уни Интернет орқали юклашга маълум маблағ сарфлаб, уни кўриш, ҳаром нарсани истеъмол қилиш дегандир. Бунинг устига ушбу маблағ айни уни ўз сайтида ушлаб туриб, унинг пулидан еб турган, ҳаромни ҳалолдан фарқламайдиган бадбахт ифвочиларнинг чўнтагига бориб тушиши тайин. Кейин, сиз сизни ва яқинларингизни ҳақорат қиладиган жойга интилармидингиз? Нега энди сеvimли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳақоратли бўҳтон тўқилган жойга, Аллоҳнинг ғазаб назари тушиб турган томон интилишимиз керак?!

14. Бу иш мусулмонларга бир ибратдир. Жаҳолат, илмсизлик қиёфасини кўрсатувчи мисолдир. Энг аччиқ надоматларга боғлаб қўйилган бадбахтлик қайси тубанликда туришининг бир намунасидир. Фитна, ифво қайси жиҳатлардан тажовуз қилиши мумкинлигининг кўринишидир. Аллоҳ берган умр неъматини билан, Аллоҳ берган моддий неъмат билан Аллоҳ яратган ва Унинггина идорасида бўлган маконда Унга қарши чиқиш, Унинг яхши кўрган бандалари ва нарсаларини таҳқирлаш, масхара қилиш фақат оқибати абадиятнинг қора бадбахтлигига маҳкумларнинг “насийбасидир”.

Бундай жоҳиллар ёмонлигидан Аллоҳнинг Ўзигина паноҳ бера олади.

Абу Шокир тайёрлади



тубини янада чуқурлаштириш, унга Азизул Хакиймнинг қазои қадари ила янада муносиброқ азобларни тайёрлашнинг илоҳий чораси эмасми ахир?! Барча нарса Унинг изни билан содир бўлиши тайин! Бу бузғунчиларни, уларга қўшилганлар аҳволини бир кўрмаймизми ҳали?!!

12. Бутун дунёда авж олаётган “гулхан”нинг ҳарорати машъум филм ижодкорларининг ўзига энди сезила бошлади шекилли, уларнинг ичидан анчаси қилмишига пушаймон бўлиб, ўзларини оқлаш чораларини ҳам қидира қолишди. Фитнали филм ижодида қатнашиб, энди эса, алдовга учганлари, филмда рол ижро этиш жараёнида бошқа лафзлар айтилганлиги, кейин эса ундаги гаплар уларга айтилмасдан бузиб чиқарилганлигини таъкидлаётган актёрлар филм эгалари устидан маҳкамага арз қила бошлашлари

# Ё РАСУЛУЛЛОҲ!

Ё Расулаллоҳ! Олдингизда ҳижолатдамиз, айбдор-миз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг элчисидирсиз. У Зотнинг ҳабиби ва халилидирсиз.

Ё Расулаллоҳ! Ҳеч шубҳасиз, инсониятнинг саййиди Сизсиз, маҳлуқотларнинг афзали ҳам ўзингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз дунёга келганингизда бутун инсоният бўйнигача жаҳолат ботқоғига ботган эди. Одамларнинг ҳаёти ўрмон ҳаётидан қолишмас, кучли кучсизни хоҳлаганча эзар, бой камбағални истаганича ҳақоратлар эди. Инсониятнинг тенг ярми бўлган, онаси бўлган аёл зоти инсон ўрнида кўрилмас эди. У айшу-ишрат воситаси сифатида, ёки мол-мулк қаторида, ёхуд эркакани йўлдан оздирувчи шайтон суратида тасвирланар эди. Сиз туғилган юртда зулму зулмат булутлари янада қуюқлашган эди. Қизалоқлар тириклайин ерга кўмилар эди. Фақат Сиз барчасига барҳам бера олдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ўқиш-ёзишни билмайдиган саводсиз умматга пайғамбар бўлдингиз. Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда дунё аҳолисининг кўп қисми саводсиз эди. Сизнинг қавмингиз бу борада энг пешқадамлардан эди. Шунинг учун ҳам Сизнинг пайғамбарлигингиз «Ўқи!» деган хитоб билан бошланди. Осмондан нозил бўлаётган бу нидо дунё дарвозасини, Сизнинг буюк қалбингиз эшигини уч бора чертди. Шу ондан бошлаб Сизга илоҳий ваҳий нозил бўла бошлади, олам узра зиё тарқади. Аслида Сиз ҳам саводсиз эдингиз. Аммо ҳар қандай инсонга нуқсон бўлган бу сифат Сиз учун ша-раф бўлди, мўъжиза бўлди.

Ё Расулаллоҳ! Саводсизликдан фикрлари ўтроқ бўлиб қолган, жаҳолат зулматида кўзлари кўр бўлаёзган, турли хурофотлар билан, номақбул одатлар билан суяги қотган кишиларни тарбиялаш албатта осон эмас эди. Аммо Сизнинг буюклигингиз шунда эдики, ана шундай халқдан бутун инсониятга абадул-абад намуна бўла оладиган етук бир авлодни етиштирдингиз. Бунинг учун Сизга кўп вақт керак бўлмади. Тақрибан йигирма йил. Жуда оз муддат. Кўз очиб юмгунча дея таъбир қилганимиз – бир инсон умрининг учдан ёки тўртдан бири. Саҳобаларингизнинг одамийлиги, ахлоқ-одоби, илмию солиҳ амали, ғайрату шижоати – барча-барча жиҳатлари инсоният учун зарбулмасал бўлиб қолди. Мана ўн тўрт аср ўтдики, улардек инсонларни топиш башарият учун ушалмас орзу бўлиб келмоқда.

Ё Расулаллоҳ! Сиз бир вақтнинг ўзида пайғамбар,

муаллим, имом, воиз, маслаҳатгўй, қози, раҳбар, подшоҳ, кўмондон, меҳрибон эр, мушфиқ ота эдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Пайғамбарлик юкини кўтариш Сизга осон кечмади. Даставвал нима бўлаётганини ўзингиз ҳам тушунмадингиз. Ваҳийни илк бор қабул қилиб олганингизда бутун вужудингиз ларзага келди. Қўрқиб, уй томон чопдингиз. Аёлингизга бу ҳолатингиздан хавфсираётганингизни айтганингизда, у: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни асло шарманда қилмайди. Чунки сиз силаи раҳм қиласиз, оғирни енгил қиласиз, йўқсилларни қўллайсиз, меҳмонга меҳмоннавозлик кўрсатасиз, ҳақ йўлда бошга тушган кулфатларда ёрдам берасиз», дея сизни тинчлантирди. Пайғамбарлигингиз ҳақида кишиларга айтишга энди киришган эдингиз ҳамки, кутилмаганда ваҳий тўхтаб қолди. Нима қилишни билмай қолдингиз. Одамлар Сизни маломатлаб, масҳара қилишга тушди. Эҳтимол, сохта пайғамбар бўлганингизда дарров бир иложини топармидингиз. Аммо сиз ҳақ пайғамбар эдингиз. Аллоҳнинг буйруғини кутишдан бошқа илож йўқ эди.

Ваҳийни қабул қилиш кейин ҳам сизга осон бўлмади. Ҳар гал Қуръон оятлари нозил бўлганда вужудингизни титроқ босар, юзларингиз дам сарғайиб, дам қизариб кетар, совуқ кечаларда ҳам баданингиздан тер қуюлар эди. Ваҳийнинг залворидан остингиздаги туя чўккалаб қолар, танангизга теккан одамнинг танаси ёрилиб кетаёзарди. Ваҳий нозил бўлган заҳоти уни кишиларга ўқиб эшиттирар, ўргатар эдингиз. Уни ёзув шаклида тўплатиб, сақлаб бориш ҳам Сизнинг зиммангизда эди.

Ё Расулаллоҳ! Пайғамбарлик дунёда Сизга фақат меҳнат ва машаққат келтирди. Аллоҳнинг рисолатини етказиш Сизни энг яқин қариндошларингиздан айирди, уларни энг ёвуз душманларга айланттирди. Бутун умр Сизни иззат ҳурмат қилган қавмингиз бир кунда сиздан юз ўгирди, юртингиздан ҳайдаб чиқарди. Айримлари Сизни даъватдан тўхтатиш учун катта-катта ваъдалар берди, Сизни ҳатто подшоҳ қилиб сайлашга ҳам рози бўлишди. Аммо уларнинг бирортаси сизни ҳақ йўлдан адаштира олмади. «Агар ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни туқазсангиз ҳам, мен бу ишни тўхтмайман. Ё Аллоҳ Ўз ишини охирига етказди, ёки мен шу йўлда ҳалок бўламан», дедингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз дунё тарихидаги энг буюк муаллимсиз. Сиз одамларга туғилгандан то ўлгунча, эрталаб тургандан бошлаб, кечки пайт тўшаққа ётгунча нима-

ни қилиш керак, нимани қилмаслик керак – барча-барчасини бекаму-қўст ўргатдингиз. Уйқудан уйғонганда, ҳожатга борганда ва ундан чиққанда, дастурхонга ўтирганда ва ундан турганда, уйдан чиққанда, уйга қайтиб келганда, кўчада юрганда, уловга минганда, тепаликка чиққанда, пастликка тушганда, масжидга ва бозорга борганда, қўйингки, барча ҳолатда нима қилиш керак, қандай дуо ўқиш керак, – ҳамма-ҳаммасини ўргатдингиз. Бадан қандай покланади, кийим қандай тозаланади, нажосат тушган сув, овқат ва бошқа нарсалар нима қилинади – барчасини фақат Сиз ўргатдингиз. Ҳатто бир яҳудий ҳазрати Умарга: «Сизларнинг пайғамбарингиз ҳожатга кирганда нима қилишни ҳам ўргатармишми?», деганида, зийрак шогирдингиз мағрурлик билан: «Ҳа, бундан бошқа нарсаларини ҳам ўргатади», деган эди.

Сиз ўзингиз ҳарф танитай туриб, бутун умматни дунёдаги энг саводли, илм-маърифатли, билимсевар авлод қилиб етишдирдингиз. Дунё тарихида дорулфунунлар, дорул-ҳикматларга илк бор Сизнинг шогирдларингиз, издошларингиз асос солдилар. Дунё кутубхоналарини тўлдириб, беаб турган асарларни ҳам айнан улар яратдилар. Ўнлаб билим юртларини тамомлаган олиму алломалар, мутафаккирлар Сиз қилган хизматнинг мингдан бирини ҳам қилиша олмади.

Ё Расулаллоҳ! Сиз дунёдаги энг биринчи масжиднинг биринчи имом-хатиби ҳам эдингиз. Саҳобаларингизга ҳар куни беш маҳал намоз ўқиб берар, жумъа намозларида уларга хутба ўқир, панд-насихат қилар эдингиз. Ҳаётингизнинг охири кунларида икки кишига тияниб бўлса ҳам жамоатга чиқдингиз.

Сиз ваъз қилганингизда бутун жамоат бошқа бир оламга кўчиб ўтарди. Улар гоҳ йиғлашар, гоҳ хушнуд бўлишар эди. Дажжол ҳақида сўзлаб берганингизда уни дарахтлар орасидан қидириб қолганлари ҳам бежиз эмасди.

Ё Расулаллоҳ! Сиздек инсофли, фаҳму фаросатли масалаҳатгўй бўлиши мумкин эмас. Саҳобаларингиз буни яхши билганлари, қолаверса, сизни чексиз севганлари туфайли оддий ишларда ҳам Сиздан маслаҳат олишга ошиқишарди. Чунки Сиз доимо: «Қайси бир мўминдан биродари маслаҳат сўраса-ю, унга самимий маслаҳат бермаса, унга хиёнат қилибди», дея ўқтирар эдингиз ва ўзингиз бунда энг гўзал намуна кўрсатардингиз.

Ё Расулаллоҳ! Инсоният тарихидаги энг фаол, одил ва доно қози, шубҳасиз, ўзингизсиз. Одамлар бор жойда келишмовчилик бўлар экан. Кишилар турли масалаларда тортишиб, олдингизга келаишар эди, Сиз уларни адолатли ила ҳал қилиб берар эдингиз. Ҳатто душманларингиз ҳам ўзаро келишолмай қолишса, ўрталарида сизни ҳакам қилишар эди.

Ё Расулаллоҳ! Зиммангизда ўзингиз яшаб турган жамиятнинг раҳбарлиги ҳам бор эди. Раиятни турли ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, бунинг учун эса давлатчиликни мустаҳкамлаш керак эди. Гоҳида бунинг учун жонни тикиб, жангга чиқишга тўғри келарди. Ҳазрат Умар ва Алийдек паҳлавонлар ҳам майдонда ғайрат-шижоатни Сиздан ўрганишар, қувватни Сиздан олишар эди.

Ё Расулаллоҳ! Сиз дунёдаги энг серибодат обид эдингиз. Кундузлари бир неча маҳал намоз ўқишдан ташқари, кечалари ибодат билан бедор бўлар эдингиз. Кўп тик турганингиздан товонларингиз шишиб кетар эди. Рамазонда эътикоф ўтирар, масжидга қапа тикиб, ўша ерда Роббингизга ёлғиз ҳолда ибодат қилар эдингиз. Саҳарлардаги кўз ёши аралаш қилган ибодат ва илтижоларингизни кўриб, ажабланиб: «Аллоҳ сизнинг гуноҳларингизни кечирган бўлса, жаннатдаги мақомингиз аниқ бўлса, бунчалар машаққат тортишингиз нечун?», дейишса, Сиз: «Шукр қиладиган банда бўлмайинми?!», дер эдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ўта омонатдор ва ростгўй зот эдингиз. Сизни ҳатто душманларингиз ҳам «Амин» – омонатдор, ишончли одам дейишарди. Улар Сизни ёмон кўриб, Сизга қарши қўлидан келган ёвликни қилишга интилиб турган кезлари ҳам, агар бирор нозикроқ омонатлари бўлса, сизга топширишар эди. Ҳатто ҳижрат қилиб, Маккадан чиқиб кетаётган кечангизда ҳам уйингизда энг катта душманларингизнинг омонат бойликлари бор эди. Сиз уларни эгаларига етказишни Алийга топшириб чиқиб кетдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ўта ҳаёли эдингиз. Аллоҳдан ҳам, бандалардан ҳам ҳаё қилардингиз. Барча ҳолларда юзингизда ҳаё барқ уриб турарди. Сиз: «Ҳар диннинг хулқи бор. Ислонинг хулқи ҳаёдир», дердингиз. Сиз яна: «Аллоҳим, менга ҳалим олдида ҳаё қилинмайдиган замон етмасин», дея илтижо қилардингиз.

Ё Расулаллоҳ! Дунё Сиздек сахийни кўрмаган. Сахийлигингиз туфайли дунё бойликлари қўлингизда бўла туриб, фақир яшадингиз. Тиланиб келган бир ғариб аёлга жуфти ҳалолларингиз бутун ўйни титкилаб қараб, иккита хурмодан бошқа нарса топиша олмади. Эсимда, бир яҳудийдан рўзғор учун буғдой сотиб олганингизда шу озгина егуликка ҳам нақд пулингиз етмай, уни насияга сотиб олдингиз, гаровга қўйишга эса темир совутингиздан бошқа нарса топилмади. Ҳолбуки, сиз ўшанда Мадинанинг подшоҳи эдингиз.

Сиз дунёдаги энг сахий одам эдингиз. Аммо Рамазонда Жаброил алайҳиссалом ҳузурингизга Қуръон такрорлатгани тушган кезлари саховатингиз олдида дунёнинг хотамтойлари бахил бўлиб кўринар эди. Қўлингизда бир танга қолмагунича бор нарсани улашиб юборар эдингиз.

Кейин билсак, ўшанда ҳаётингизнинг охири кунларини яшаётган экансиз. Эгнингизда янги тўқиб, тикилган бир чопон билан масжидга чиқдингиз. Шунда бир бадавий кийимингизни ёқтириб қолди. Сиз уни дарҳол ечиб, ўша аъробийга кийгизиб юбордингиз. Кейин ўзингиз учун шу кийимдан яна битта буюртма бердингиз. Бироқ, ўша кийим ҳали тўқувчининг қўлидалигида ҳаётдан кўз юмдингиз. Янги кийим Сизга насиб бўлмади.

Ё Расулаллоҳ! Сиз дунё ҳузур-ҳаловатларига интилмас эдингиз. Икки кун кетма-кет тўйиб таом емаган эдингиз. Тўйиб буғдой нон емадингиз. Гоҳида очликдан қорнингизга тош боғлаб олардингиз. Бошқалар биттадан боғласа, сиз иккита боғлаб олар эдингиз. Аёлларингиз бироз аёллигига бориб, оз-моз дунё неъматларидан беришингизни сўрашди. Шунда Сиз уларга ё охираат ажру савобини, ёки ажрашишни танлаш ихтиёрини бердингиз, бу борада, зарур топсалар, ота-оналари билан маслаҳатлашишлари мумкинлигини айтдингиз. Ўшанда эрка жуфти ҳалолингиз Оиша: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен ота-онам билан шуни маслаҳатлашаманми?! Ахир, мен Сизни танламай, дунёни танлармидим?!», деди. Сизнинг тарбиянгизни олган бу аёллар ҳеч иккиланмай Сизни – охираат мукофотини танлашди. Чунки улар Сиз учун жонларини ҳам беришга тайёр эдилар.

Йило қилиб, қазноққа кириб ўтирганингизда ҳузурингизга кирган Умар уйингизда учта ошланган теридан бошқа яроқли нарса йўқлигини кўриб, сизга ачингандек бўлди ва: «Аллоҳга дуо қилинг, умматингизга кенглик берсин. Зеро, Форс ва Румга кенглик берилган ва уларга мол-дунё ато этилган, ваҳоланки, улар Аллоҳга ибодат қилмайдилар», деди. Шунда сиз хотиржамлик билан: «Сен шакдамисан, эй Ибн Хаттоб? Улар ҳузур-ҳаловатлари тезлаштирилган қавмдирлар», деддингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ҳақиқий оилапарвар эдингиз. Болаларингизнинг онаси Хадижа вафот этганда ёш қизчаларнинг тарбияси учун кекса аёлга – Савдо онамизга уйландингиз. Бироқ, қизларни тарбия қилишда ва оиладаги бошқа ишларда ўзингиз ҳам четда турмадингиз. Охир замон пайғамбарлари бўлишингизга қарамай, бутун бир уммат ташвишини чекиш билан бир қаторда оила юмушларини ҳам ўрнида бажарар эдингиз. Уй ичида аёлларингизнинг ишларига кўмаклашардингиз, қўй-эчкиларни ўзингиз соғардингиз, кийимларингизга ўзингиз ямоқ солардингиз.

Сиз оилангиз ҳаққини ҳам тўла адо этдингиз. Ҳатто тунда туриб ибодат қилмоқчи бўлсангиз, аёлингиздан ижозат сўрардингиз: «Аслида ҳозир сен билан бўлишим керак, аммо Роббимга ибодат қилгим келяпти. Агар рухсат берсанг, ибодат қилсам», дердингиз.

Сиз барчани оила қуришга тарғиб қилдингиз, никоҳсиз юришдан қатъий қайтардингиз. Ҳатто «Ким оила қуришдан юз ўгирса, мендан эмас», дердингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ўта болажон эдингиз. Ҳатто навозингизда бўйнингизга осилиб олган қизчани отаси койимоқчи бўлган эди, сиз бунга йўл қўймадингиз. Масжидда хутба қилиб турганингизда ёнингизга суюкли набираларингиз ўйнаб келиб қолишганда минбарда ўтирган ҳолингизда уларни қучоқларингизга олиб, эркалатар эдингиз. Сизнинг бу хислатингиздан ажабланган кишиларга: «Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди», деб қўярдингиз. Саҳобаларингиз Сизни хушнуд қилмоқчи бўлишса, сизга болаларни рўбарў қилишарди. Жангдан толиқиб келганингизда ҳам Сизни болакайлар билан қарши олишар эди.

Ё Расулаллоҳ! Сиз энг яхши дўст эдингиз. Беморларни бориб кўрар, вафот этган мўмин-мусулмонларининг жаноза ва дафнларида қатнашар эдингиз. Ўлим тўшагида ётган бир яҳудий йигитни кўргани борганингизда у Сизнинг ташрифингиз баракасидан Ислом неъматига мушарраф бўлган эди. Масжидга қатнайдингиз бир кампир кўринмай қолганида у ҳақда одамлардан сўрадингиз, улар кампирнинг вафот этганини айтишди. Шунда унинг жаноза ва дафнига қатнаша олмаганингиздан афсусланиб, кишиларни бироз койидингиз ҳам.

Ё Расулаллоҳ! Сизни кўргим келиб, таърифингиз билан безанган битикларга тикилдим: бўйингиз ўртабўйдан сал тикроқ, ўта узун ҳам, паст ҳам эмас. Қоматингиз тик, аммо камтарлигингизни кўрсатиб турибди. Рангингиз оқ, юзларингизга бироз қизиллик аралашган. Бошингизнинг катталиги кенг елкангизга айни мос. Пешонангиз кенг, тақдирингиздан нишона, ўзингизга жуда ҳам ярашган. Юзларингиз думалоқдан келган, тўлин ойдек порлаб турибди. Ним табассум чеҳрангизни янада кўркамлаштириб юборган. Кўзларингиз йирик, бироз ичкарига ботган. Ҳар қандай одамни сеҳрлаб қўяди. Уларда самимият ва табассум барқ уриб турибди. Жияқларига сурма сурилгандек. Киприкларингиз, ёйдек қошларингиз ҳар қандай манзарадан гўзал. Қирра бурнингиз қоядек салобат бахш этмоқда. Кенг оғзингиз ичра маржондек терилган дур тишларингиздан нур чиқиб тургандек. Соқолингиз қалин, қоп-қора, бир-иккита оқ ҳам аралашган. Сочингиз жингалак ҳам, силлиқ ҳам эмас, бироз тўлқинсимон. Уларнинг доим парвариш қилиб турилиши шундоқ билиниб турибди. Қўл-оёқларингиз, қад-қоматингиз бир-бирига шунчалар мутаносибки, ҳар қандай киши ҳаёйратда қолмай иложи йўқ. Кафтингиз ипак матодек юмшоқ, оёқларингиз йирик, товонингиз анча гўштли. Терингиздан уфуриб турган муаттар ҳид дунёдаги ҳар қандай атирдан ёқимли. Юрсангиз, ер оёқларингиз остига ўралиб, кириб кетаётгандек кўринади. Бир кўрган одам ҳайбатингиздан ўзини йўқотиб қўяди. Сиз билан яқинроқ танишгач, бироз бирга юргач, Сизни севиб қолиши аниқ. Сизни бир кўрган киши сиздан олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч бир ўхшашингизни кўрмаганини тан олишдан бошқа илож топа олмайди. Сиз ҳам ойнага қараганингизда ўзингиздаги бу баркамолликни эътироф

этгандек: «Аллоҳим, хилқатимни гўзал қилганингдек, хулқимни ҳам гўзал қилгин», дер эдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Саҳобаларингиз Сизни еру кўкка ишонишмас эди. Сиз учун молу жонларини беришга доим тайёр эдилар. Таҳорат олганингизда томган сув томчиларини юз-қўлларига сурардилар. Тупигингиз ерга тушмасди. Соч олдириганингизда сочингиз толаларини талашиб, уришиб кетай дейишарди. Қон олдириганингизда муборак қонингизни ерга тўкишга кўнмай, ичиб юборишарди. Булар бежиз эмс эди. Чунки Сиз аслида бундан-да ортиқ иззатга лойиқ эдингиз.

Ё Расулаллоҳ! Сизни жуда ҳам соғиндик, жуда ҳам. Афсуски, дунёда Сизни кўриш бизга насиб бўлмади. Аммо, Аллоҳга шукр, Сизга иймон келтирганмиз. Бирок, муборак чехрангизга термилиш шавқи юрагимизни тинч қўймайди. Гўзал қироатингиз, ширин сўзларингизни тинглагимиз келади. Нима қилсак экан, Ё Расулаллоҳ! Нима қилсак экан... Тушларимизга кирсангиз-чи?! Ё Расулаллоҳ!

Ё Расулаллоҳ! Сиз ҳақиқатан ҳам башариятнинг гултожисиз. Сизнинг инсониятга қилган хизматингиз, яхшилигингиз чексиз. Мана ўн тўрт асрдирки, Сиз ёққан машъала бир зум ҳам ўчмай порлаб турибди. Унинг зиёсидан миллионлаб, миллиардлаб инсонлар икки дунё саодат йўлини, жаннат йўлини топган ва топмоқда. Ундан бебаҳра қолганлар, ундан қочганлар эса ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб, дўзах қаърига йиқилмоқдалар.

Ё Расулаллоҳ! Сиз ёққан машъала қалб кўзи кўр кишиларга ёқмади, улар кўрнамак бўлдилар. Бундай кишилар асрлар оша машъалангизни оғизлари билан ўчиришга ҳаракат қилиб келишди ва келишмоқда. Улар ўз ўтмишдошларидан ҳам ибрат олишмаяпти. Аммо улар пуфлаган сари машъалангиз олови аланга олиб, янада кучлироқ порламоқда, унинг нури янада кенгроқ тарқамоқда.

Ё Расулаллоҳ! Сиз бутун инсониятга дўстсиз. Ким Сизга душман бўлса, бу Сизни танимагандир. Агар таниган бўлса, ҳиқду ҳасад туфайлигина, ҳавойи нафсининг ўлчови билангина Сизга душман бўлади. Агар Сизни танишса ва инсоф қилишса, душманларингиз ҳам Сизни севиб қолиши аниқ. Бунга тарих гувоҳ.

Ё Расулаллоҳ! Сиз меҳрибон раҳбар бўлиш баробарида адолатсизликка қарши кескин курашардингиз. Табиики, Сизнинг бу хислатингиз ҳавойи нафсига эргашган манқурт кимсаларга ёқмас эди, улар сизга душманлик этишга ҳаракат қилишди. Ахир, қозининг қамчиси жиноятчиға ёқмаса, қозида нима айб?!

Ё Расулаллоҳ! Душманларингиз Сизни одабийлигингиз сабаблигина ёмон кўришди. Уларга бу адовати иблисдан ўтган. Иблис Одамга одамлиги учун душман бўлган эди.



Ё Расулаллоҳ! Инсон суратидаги айрим махлуқлар Сизни масҳара қилишганидан кўп ҳам ажабланмаймиз. Чунки улар ўзларининг маймундан тарқаганларини даъво қилавериб, маймунтабиат бўлиб қолишган. Маймунларнинг энг ақллиси нари борса масҳарабозлик қилади, инсонларни масҳаралайди. Бу нобакорларни ўша маймунларга ўхшатиш мумкин, холос. Роббимиз Сизга ваҳий қилгани ва буни ўзингиз бизга ўргатганингиздек, Сизнинг шаънингизга нолойиқ сўз айтувчиларнинг думи кесилган, насли узилгандир. Бу илоҳий башорат бугунги кунда рўй-рост намоён бўлмоқда...

Ё Расулаллоҳ! Очиғини айтганда, уларнинг бу қилмишларига бизнинг хатоларимиз ҳам сабаб бўлмоқда. Биз Сизнинг насиҳат ва кўрсатмаларингизга эргашмадик. Сизни танимадик, танитмадик. Сиз бизни дунёга меҳр қўймасликка, охиратга интилишга ўргатган эдингиз, биз бунинг аксини қилдик. Сиз бизни илм-маърифатга, изланишга, фойдали ишларга интилишга ўргатган эдингиз, биз жаҳолат сари юриб, бефойда нарсалар билан банд бўлиб қолдик. Сиз бизга иттифоқ бўлишни, ака-ука бўлишни буюрган эдингиз, биз ихтилоф қилдик, ўзаро душман бўлиб олдик. Сиз бизга душманни душман, дўстни дўст деб билишга ўргатган эдингиз, биз дўстни душман, душманни дўст тутдик. Сиз бизнинг ғайрат-шижоатли, куч-қувватли бўлишимизни ўқтирган эдингиз, биз дангасалик, кўрқоқлик билан дунёда донг таратиб улгурдик. Аждодларимиз Сизнинг насиҳатингизга амал қилган даврларда дунёнинг энг пешқадам инсонлари бўлишган эди. Улар нафақат Сизни, балки мушугингизни ҳам ҳақорат қилинишга йўл қўйишмаган эди. Бунга ҳеч ким ботина олмасди ҳам. Агар биз ҳам Сизга муносиб уммат бўлганимизда, бошқалар бугунгидек ҳақоратларга журъат қила олмасдилар.

Ё Расулаллоҳ! Бизни кечиринг, бизни авф этинг. Олдингизда хижолатдамиз, айбдоримиз...

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

## Ислом олимлари халқаро уюшмасининг Расули акрам ҳақларидаги салбий филмни қораловчи баёни

Доктор Юсуф Қарзовий бошчилик қилаётган Ислом олимлари халқаро уюшмаси Ислом ва Ислом Расулидан нафратланувчилар тарафидан ишлаб чиқарилган Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги салбий филмни қоралади. Шунингдек бу баёнда бу каби салбий фикрлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юксаклигига ва шаънига ҳеч қандай зарар етказмаслигини такидлади. Чунки Аллоҳ таоло у зотнинг юксак хулқ эгаси, бутун оламларга раҳмат ва порлоқ нур эканлигига гувоҳлик берган. Қолаверса америкалик муаллифлар тўплаган инсоният тарихидаги энг машҳур 100 шахслар жадвалида биринчи бўлиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам турибдилар. Бу каби ҳаракатлар бутун ер юзига тарқалаётган у зотнинг даъватларига ҳеч қандай таъсир қилмайди ва равшан нурларига тўсиқ бўла олмайди.

Шунингдек Ислом олимлари халқаро уюшмаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги бу салбий филмда чет давлатларга кўчиб кетган христиан арабларнинг иштирок этишини халқлар ўртасида нафрат ва таассубликни қўзғатовчи ва бутун оламдаги мусулмонлар ҳис туйғуларига беписандлик деб билади.

Ислом олимлари халқаро уюшмаси АҚШ ва бутун жаҳон мусулмонлари ташкилотларини ушбу филмга алоқаси бўлган ҳар бир шахсни қонуний жавобгарликка тортиш учун уларга қарши тегишли ташкилотларга даъво аризаларини топширишга чақиради. Бу қилинган қабиҳ ишни сўз эркинлиги деб бўлмайди, чунки бу ислом сиймоларини қоралаш орқали мусулмонлар ҳуқуқларини поймол қилишдир.

Уюшма халқаро ислом ташкилотлари ва араб ва ислом давлатлари ҳукуматларини бу каби чақириқларни олдини олиш учун ижобий ҳаракатларни амалга оширишга чақиради ва Халқаро Ислом ҳамкорлиги ташкилотидан бутун оламларга раҳмат пайғамбари ҳақида салбий фикрда бўлиб бутун инсониятга зарар етказаётганларга қарши даъво аризаларни ўз тасарруфига олишини талаб қилади.

Уюшма бутун дунё мусулмонларини бундай ҳолатларга дуч келганда исломий ахлоқларга риоя қилишга чақиради. Чунки Аллоҳ таоло айтади "Ҳеч бир кўтаргувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга (жон) нинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас" шунинг учун ўзгалар билан умумий ҳолда муомала қилиш ва бегуноҳларни таъқиб қилиш тўғри келмайди. Шунингдек Расулulloҳни муҳокама қилиш деб номланган ушбу кунни Расулulloҳни таништириш кунига айлантиришга чақиради.

Муҳаммадали таржимаси

# ИСЛОМ УЛАМОЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИНИНГ БАЁНОТИ

## РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМГА МУҲАББАТ ВА УЛ ЗОТ СУННАТЛАРИНИ УЛУҒЛАБ, УНГА АМАЛ ҚИЛИШ



Дунёда Расулulloҳ алайҳиссаломга муҳаббат этувчи бўлинг! Ул зотнинг суннатлари – йўлларини улуглаш ва унга амал этишда ҳарис бўлинг! Шоядки, охирада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизни шафоат этсалар, зеро ул зоти шарифнинг қиёмат кундаги шафоатлари барча пайғамбарларнинг шафоатидан муқаддам туради. Ул зот Аллоҳ таолодан умматларидан бўлган аҳли кабир (улуғ гуноҳларни қилган)ларни шафоат этадилар. Бас, Аллоҳ уларга нажот беради. Солиҳ биродарларни кўпайтиринг, зеро ҳар бир мўминга шафоат бордир.

Умид, деб номлайдиган ғайратсизликка эътиборсиз бўлмаслигингиз лозим, зеро кимки бир нарсани умид этса, уни талаб қилади. Адолатсизликдан эҳтиёт бўлинг! Кимнинг бўйнида адолатсизлик (шикоят) бўлса-ю, уни қайтаришдан олдин вафот этса, қиёмат кунини зулм кўрган рақиблари уни ўраб олишади. Бири мени масҳара қилган эди, дейди. Иккинчиси менга зулм қилиб, адолатсизлик қилган эди, деса, бошқаси қўшничиликда менга ёмонлик қилганди, дейди. Бошқа яна бири мени алдаган эди, дейди. Уларнинг қўлидан қочиб қутула олмайсиз, агар қутулдим, деб ваҳм қилсангиз, айтилади: «Бугун зулм – адолатсизлик йўқ».

Абу Саид Ҳудрий розийаллоҳу анҳудан ривоят этилади. Расулulloҳ алайҳиссалом айтдилар: «Қиёмат кунини мўминлар оташи дўзахдан халос бўладилар ва жаннат билан дўзах ўртасидаги ерда тутилиб қоладилар. Бу дунёда баъзиларининг баъзилари билан ўрталарида бўлган адолатсизликлари ва шикоятлари борасида бир-бирларидан қасос олишади. Улар барча адолатсизлик ва зулмлардан тоза ва пок бўлганларидан кейин жаннатга киришлари учун изн бўлади». Имом Бухорий ва Аҳмад ривоят этишган.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан нақл этилади. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Ораларингизда синган, қарздор кимлигини биласизларми?» Саҳобалар жавоб бериб айтишди: «Орамиздаги қарздор киши – бу дирҳами ва дунё матоси бўлмаган кишидир». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Умматимдан бўлган ҳақиқий синган, қарздор бўлган одам қиёмат кунини намоз, рўза ва закоти билан келади. У буни ҳақорат этган, бошқа бировга тўхмат этган, мана бунинг молини ноҳақ еган, бошқа бировнинг қонини тўккан, яна бошқа бировни бесабаб урган ҳолда келади. Бошқаси ҳам унинг яхшиликларидан ўзига олади. Бўйнидаги зулмларни қайтаришда яхшиликлари тугаб қолса, мазлумларнинг гуноҳлари олиниб, унинг бўйнига қўйилади. Сўнгра ўзи оташи дўзахга улоқтирилади». Имом Муслим, Термизий ва Ибн Ҳанбал ривоят этишган.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан нақл этилади. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: «Сизлар қиёмат кунини ҳуқуқларни ўз аҳлига албатта қайтарасизлар, ҳатто шохсиз қўйга шохли қўйдан қасоси олиб берилади». Бу ҳадисларнинг барчаси «Саҳиҳ» китобларда мавжуд. Аллоҳ сизга тавфиқ берсин! Яхшиликларингизга уларни ботил этувчи риё ва ғийбат киришидан саломат бўлиши натижасига яхши назар ташланг! Яхшиликларингиз омон-саломат бўлса, рақиб уларни олади. Ўзингизни ҳушёр тутасиз. Вақтларингизни бекорга ўтказманг. Ҳақиқий мискин шуки, у вақтинчалик лаззатни афзал билади ва буни доимий қаттиқ азобга алмаштиради.

Аллоҳ таолодан саломатлик ва тавфиқ сўраймиз.

**"Минҳожул қосидийн"**

# НАБИЙ (С.А.В)

## АҲЛОҚЛАРИ ҲАҚИДА

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мастура қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Қачон бир нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билар эдик».**

Бошқа бир ривоятда:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳшчи эмас ва фаҳшни қилмас ҳам эдилар. Ул зот сизларнинг яхшиларингиз, ахлоқи яхшиларингиздир», дейилган».**

Иккисини Икки Шайх ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хулқ жиҳатидан одамларнинг энг яхшиси эдилар», дейилган.**

«Фаҳш» сўзи қабиҳ гапни айтишга ишлатилади. «Фаҳшчи» деганда, табиатида қабиҳ гапларни айтиш бор киши кўзда тутилади. «Фаҳш қилиш» деганда эса, табиатида бўлмаса ҳам ўзини мажбур қилиб қабиҳ сўзларни айтиш кўзда тутилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида аслида қабиҳ сўз айтиш бўлмаган, шу билан бирга, у зот ўзларини мажбур қилиб ҳам қабиҳ сўзлар айтмаганлар.

Бухорий ва Термизийнинг ривоятида:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бирор таомни айбламаганлар. Агар иштаҳалари тортса, ердилар, бўлмаса, тарк қилар эдилар», дейилган.**

Ато розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Мен Абдуллоҳ ибн Амрга:**

**«Менга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тавротдаги сифатларининг хабарини бер», – дедим.**

**«Хўп! Аллоҳга қасамки, у зот Тавротда ўзларининг Қуръондаги баъзи сифатлари ила васф қилингандирлар:**

**«Эй Набий, албатта, Биз сени гувоҳ, хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи ва уммийларга ҳимоя кўрғони қилиб юбордик. Сен бандам ва Расулимдирсан. Сени Мутаваккил деб номладим. Бадхулқ ҳам, қўпол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмассан. У ёмонликни ёмонлик ила қайтармас, лекин афв қилур, кечирур. Аллоҳ у ила қинғир миллатни, «Лаа илааҳа Иллаллоҳу», дейишлари, у ила кўр кўзларни, кар қулоқларни ва берк қалбларни очиши ила тўғриламагунча уни қабз қилмас».**

Бухорий ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарсани сўралганда, ҳеч қачон «йўқ» демаганлар».**

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки тоғ ораси тўлган қўйларни сўради. Бас, унга ўшаларни бердилар. У ўз қавми ҳузурига бориб:**

**«Эй қавмим, мусулмон бўлинглар! Аллоҳга қасамки, Муҳаммад кўп ато берар экан. Фақийрликдан кўрқмас экан», – деди».**

**Анас: «Киши фақат дунё учун мусулмон бўлмайди. Балки дунё ва ундаги барча нарсалардан кўра Ислому унга маҳбуброқ бўлгандагина мусулмон бўлади», – деди».**

Бу ривоятда ўз қавмини мусулмон бўлишга чорлаётган одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қўй олгани учун эмас, у зотнинг камбағалликдан кўрқмай, шунча қўйни бир одамга бериб юборганликларини Набийлик мўъжизаси билиб мусулмон бўлган эди.

Сафвон ибн Умайя розияллоҳу анҳу айтади:

**«Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайнда менга атони берганлари-**

ча бердилар. Олдин у зот мен учун одамларнинг энг ёмони эдилар. Ато беравериб, мен учун одамларнинг энг маҳбуби бўлиб қолдилар».

Ушбу учовини Муслим ривоят қилган.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг сахийси, одамларнинг энг шижоатлиси эдилар. Бир кеча аҳли Мадийна қаттиқ даҳшатга тушдилар. Одамлар овоз чиққан томон юра бошладилар. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам уларнинг олдидан чиқдилар. Ўша томондан қайтиб келаётган эканлар. Ул зот улардан олдин овоз чиққан томонга борган эканлар. Ул зот Абу Толҳанинг эгарсиз отини миниб, бўйниларига қилич осиб олган эканлар. Ул зот:

«Қўрқманглар! Қўрқманглар!» – дедилар».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам Мадийнага келганларида Абу Толҳа менинг қўлимдан ушлаб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб борди ва:

«Ё Расулulloҳ, албатта, Анас жуда хушёр бола, сизга хизмат қилсин», – деди.

Бас, у зотга сафарда ҳам, ҳазарда ҳам ўн йил хизмат қилдим. Аллоҳга қасамки, қилган нарсамни, нима учун буни қилдинг, демадилар. Қилмаган нарсамни, нима учун буни қилмадинг, демадилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг яхши хулқлиси эдилар. Бир кун мени бир ҳожат учун юбордилар. Мен:

«Аллоҳга қасамки, бормайман», – дедим. Ичимда, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам амр қилган нарса учун бораман, дедим-да, чиқдим. Бозорда ўйнаётган болалар олдидан ўтаётди туриб қолибман. Бир вақт, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам орқамдан бўйнимни тутиб турибдилар. Мен у зотга назар солдим. Ул зот:

«Эй Унайс, мен амр қилган жойга бордингми?» – дедилар. Мен:

«Ҳа! Мен бораман. Ё Расулulloҳ», – дедим ва юриб кетдим».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан кўра аҳли аёлга меҳрибонроқ бирортани кўрмадим. Иброҳим Мадийнанинг четидан эмизилар эди. Ул зот ўша томон борардилар. Биз ҳам у зот билан борардик. Ул зот уйга кирганларида тутунга тўлган бўларди. Чунки, унинг эмизикли отаси темирчи эди. Бас, у зот уни олиб, ўпиб, яна қайтариб берар эдилар. Иброҳим вафот этганида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Иброҳим ўғлимдир. У кўкракдалигида ўлди. Албатта, жаннатда икки эмизувчи уни эмизишни камолига етказурлар», – дедилар».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Батаҳқиқ, Иброҳимни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида жон таслим қилаётганида кўрдим. Ул зотнинг икки кўзларидан ёш оқди ва:

«Кўз ёш тўкур. Қалб маҳзун бўлур. Роббимиз рози бўладиган нарсадан бошқани айтмасмиз. Аллоҳга қасамки, Эй Иброҳим, биз сенинг учун маҳзунмиз», – дедилар».

Иккисини Тўртовлари ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Анжаша исмли хушовоз сарбонлари бор эди. У завжаи мутоҳҳаралар бор туяларни етаклаб кетмоқда эди. Бас, у зот унга:

«Эй Анжаша, оҳиста юр. Биллурларни синдириб қўйма», – дедилар».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Бомдод намозини ўқиганларидан кейин, Мадийнанинг хизматкорлари сувли идишларини олиб келар эдилар. Қайси идиш келтирилса, у зот унга

**қўлларини солар эдилар. Баъзида совуқ тонгда ҳам келишарди. Ул зот қўлларини солардилар».**

Одамлар табаррук учун ўз идишларидаги сувга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан қўлларини солиб беришларини сўрар эдилар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Батаҳқиқ, сартарош Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сочларини олаётганини кўрдим. Саҳобалари у зотни ўраб олишган эди. Бирор соч донаси тушса ҳам, бирор кишининг қўлига тушишини хоҳлар эдилар».**

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг фазллари улўғлигидан, саҳобаи киромлар, табарруклиги учун, сочларини ҳам ерга туширмай бўлиб олишар эдилар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Ақли бир оз бундайроқ аёл:**

**«Ё Расулulloҳ, сизда ҳожатим бор», – деди.**

**«Эй, Умму Фўлон, қайси кўчадан юрасан? Сенинг ҳожатингни равон қилай», – дедилар у зот. Сўнгра у билан ҳожати чиққунча йўлда юриб кетдилар».**

Ушбу учовини Муслим ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам икки ишдан бирини ихтиёр қиладиган бўлсалар, улардан бири бошқасидан енгилроқ бўлса, агар гуноҳ бўлмаса, албатта, енгилни ихтиёр қилар эдилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқдаги одам бўлар эдилар.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари учун интиқом олган эмаслар. Илло, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳурмати поймол қилинсагина, (интиқом) олардилар».**

Учовлари ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қўллари билан ҳеч нарсагани – аёлни ҳам, ходимни ҳам урмаганлар. Илло, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганларидагина урганлар. Ул зотга бирор нарса етган бўлса, унинг соҳибидан интиқом олмаганлар. Илло, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар поймол қилинсагина, Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олганлар».**

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир ишни қилиб, унда енгилликка рухсат бердилар. Бу у зотнинг саҳобаларидан баъзи кишиларга етганда, уларга ёқмади ва ундан ўзларини олиб қочдилар. Ўша иш у зотга етганда, хутба қилдилар:**

**«Кишиларга нима бўлдики, уларга мен енгилликка рухсат берган иш етганда, уни ёқтирмай, ўзларини олиб қочурлар?! Аллоҳга қасамки, албатта, мен уларнинг ичида Аллоҳни энг кўп билувчилариман ва У зотдан энг кўп қўрқувчилариман», – дедилар».**

Муслим ривоят қилган.



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

# ҒАРБЛИК ХОЛИС МУТАФАК- КИРЛАРНИНГ ПАЙҒАМБАРИМИЗ ҲАҚЛАРИДАГИ ТАВСИФЛАРИ

Бугунги кунимизда бутун олам Муҳаммад алайҳиссаломнинг зотларига, сифатларига ва таълимотларига қанчалик муҳтож эканини ўтган асрнинг буюк ақл эгаларидан бири, забардаст инглиз мутафаккири ва ёзувчиси Бернارد Шоу ўзининг: “Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, замонимиз муаммоларини бир пиёла чой устида ҳал қилган бўлар эди”, деган сўзлари билан ифодалаган эди.

Агар буюк ёзувчининг бу сўзлари Бернارد Шоуга ўхшаш ғарбликлар учун шону шараф бўладиган бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматликни даъво қилиб туриб, у кишига эргашмай юрган шарқликлар учун ору номусдир.

**(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Зикр аҳлидан сўранг”, 3-сон, 59-бет)**

Инсоният тарихида Муҳаммад алайҳиссаломчалик қавми тарафидан севилган ва ҳурматланган инсон ўтмаган. Тарих китобларида баён қилинадик, Урва исмли мушрик Қурайш кофирларига шундай ҳикоя қилган эди: “Мен жуда кўп ҳукмдорларни кўрганман. Мен Сезарнинг, Кисронинг саройларида бўлганман. Лекин қасам ичишим мумкинки, Муҳаммадни асҳоблари ҳурмат қилганлари каби ҳурмат-эҳтиром қилинган ҳукмдорни кўрмадим. Аллоҳга қасамки, агар у бир нарса буюрса, улар дарҳол уни бажаришга ташланишади, таҳорат олса, ундан тушаётган сувни талашиб-тортишиб олишга ошиқишади, гапирса, сукут қилиб қотиб қолишади, шу даражадаки, ҳатто унинг кўзларига тик қарашга ботина олишмайди”.

**(“Ҳидоят”, 2002 йил, 9-сон, 10-бет)**

Ҳазрати Расулulloҳни Ғарбнинг инсофли кишилари ҳам улуғлашган. Буюк олмон шоири **Волфганг Гёте** бундай деб ёзган: “Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Ҳазрати Муҳаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидаммиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқорироққа ўта олмайди”.

**Жўрж Бернارد Шоу:** “Агар Муҳаммад алайҳиссаломдек бир одам ҳозирги дунёни бошқарганида эди, бу дунёнинг мушкулотларини ҳал қилишга муваффақ бўлар эди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва бахтни олиб келган бўларди”.

**(“Ҳидоят”, 2001 йил, 6-сон, 14-бет)**

**Томас Карлайл** тан олиб айтадики, Муҳаммад алайҳиссалом шундай тубан халқ (араблар)ни “ёруғлик ва илм ташувчилар” даражасига юксалтирди: “Араб халқи учун бу, зулматдан нурга чиқиш эди. Бу билан араблар илк маротаба ўзгалар назарида жонландилар. Дунёнинг яратилишидан буён кўзга ташланмай, ўз саҳроларида изғиб юрган қашшоқ подачи халқ! Қаранг, кўзга ташланмаган халқ бутун дунёга кўз-кўз бўлди, кичик эди, оламий улуғликка эришди. Бор-йўғи юз йил ичида араблар ғарбда Гранадагача, шарқда Деҳлигача етишди, жасорат ва улуғворлик нури ила Арабистон олам кенгликларини ёритмоқда”.

**(“Ҳидоят”, 2001 йил, 5-сон, 10 – 11-бетлар)**

Атоқли файласуф **Шебол** бундай дейди: “Ҳазрати Муҳаммаднинг одам боласи бўлгани бутун инсониятга катта фахрдир. Чунки, у зот уммий (ўқиш-ёзишни билмайдиган) бўлса-да, ўн тўрт аср аввал шундай қонун ва асосларни келтирдик, биз оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб етсак, энг бахтли, энг саодатли насллар бўламиз”.

Франциянинг таниқли олимларидан **Ламарти**нинг мана бундай сўзлари бор: “Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да, кўп иш қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом инсонларнинг энг буюгидир. У киши ҳам Пайғамбар, ҳам нотик, ҳам даъватчи, қонуншунос, жангчи, қалблар ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом-раҳбар, давлат арбоби, ер юзининг йигирмата минтақасида исломий салтанат қура олган... Муҳаммад алайҳиссалом ана шундай зот эди! Унга ҳеч қайси буюк инсон тенглаша олмайди! Наҳотки, у ўлчовларга сифса?!”

Франциянинг машҳур арбоби ва саркардаси **Наполеон Бонапарт** у зотга бундай баҳо беради: “Аллоҳ таолонинг бирлиги ва борлигини Мусо алайҳиссалом миллатига, Ийсо алайҳиссалом умматига, Муҳаммад алайҳиссалом эса бутун инсониятга билдирди”.

Инглиз олими **Жон Давенпорт** мана бу фикрларни ёзиб қолдирган: “Машҳур пайғамбарлар ва фотиҳлар орасида ҳаёти Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарихидек энг кўп ва барча нуқталаригача батафсил ўрганилган тарихий шахс йўқ”.

Америкалик тарихчи олим **Мишел Ҳарт** бундай дейди: “Дунёдаги таъсири энг кучли шахслар рўйхатининг бошига Муҳаммадни ёзиб қўйсам, эҳтимол, айрим мухлисларим таажжубга тушишар? Бошқалар, эҳтимол, буни ўзгача тушунишар? Нима бўлганида ҳам, у дунёвий ва диний соҳалардаги самарали ишлари билан тарих саҳнасидаги ана шу мўътабар мақомга муносибдир”.

Оксфорд дорилфунуни профессори **Виям Монтгомери**: “Муҳаммад алайҳиссаломнинг зафар-ютуқлари унинг буюклигига далилдир. Бундай мақом-мартабага эришган бошқа шахс Фарбада маълум эмас. Уни сеҳргарликда айблаш ўз мақсадига эришолмай, ноилож қолган одамнинг чиранишидир”.

**(“Ҳидоят”, 2006 йил, 3-сон, 6 – 7-бетлар)**

1974 йил 15 июлги “Тайм” ҳафталик журналида ҳар турли тарихчилар, ёзувчилар, ҳарбийлар, тижоратчи-бизнесменлар ва бошқа касб вакилларининг “Тарихнинг буюк доҳийлари” мавзусидаги муҳокама мақолалари ўрин олган. Баъзилар шундай шахс деб Гитлери, бошқалар Гандини, Буддани, Линколнни ва ҳоказоларни ҳисоблашган. Шу билан бирга, америкалик психоаналитик, Чикаго университетининг профессори, яҳудий миллатига мансуб Жюл Массерман масалага аниқ мезон-ўлчовлар билан ёндашишни таклиф этди. Унинг сўзларига кўра:

сардорлар учта вазифани бажаришлари керак:

- 1) ўзлари бошқарган халқни тинч ва фаровон ҳаёт билан таъминлаган бўлиши;
- 2) одамлар ўзини хавф-хатарсиз, хотиржам сезадиган жамият қурган бўлиши;
- 3) одамларга иймон (ишонч) ва эътиқод йўлини тақдим қилиши.

Жюл Массерман мазкур уч мезон асосида тарихни ўрганиб чиқади, Гитлер, Пастер, Сезар (қадимги Рим императори), Мусо (алайҳиссалом), Конфуций ва бошқа кўпларнинг баҳоларини белгилади ва охир-оқибат қуйидаги хулосага келди:

“Пастер ва Салк каби доҳийлар биринчи мезонга жавоб беради. Ганди ва Конфуций кабилар бир томондан, Александр Македонский, Сезар ва Гитлерлар эса, бошқа томондан иккинчи ёки учинчи талабларни қондиради.

Ийсо (алайҳиссалом) билан Будда эса, фақат учинчи тоифага мансубдирлар.

Барча замонларнинг энг буюк доҳий-ўлбошчиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бўлса керак, чунки у учала мезон бўйича ҳам барча талабларга жавоб беради.

Мусо (алайҳиссалом) бу борада Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан бир қанча паст даражада қолган”.

**(Аҳмад Дийдот, “Что Библия говорит о Мухаммаде”, 20 – 21-бетлар)**

Уламолар киши қалбида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам севгиси бор-йўқлигининг белгиси сифатида қуйидаги ўлчовни қўллашган:

- 1) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиёратлари муяссар бўлганида уни бой бериш дунёдаги бор нарсани бой беришдан оғир бўлиши;
- 2) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амрларига итоат этиб, ман қилган нарсаларидан сақланиш;
- 3) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилиш ва шариатларини ҳимоя қилиш.

**(“Ҳидоят”, 2005 йил, 2-сон, 13-бет)**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари – муборак ҳаётлари, у зот таваллуд топганларидан бошлаб, то Раббиларига мулоқот бўлгунларича таржимаи ҳоллари ҳам “Суннат” туркумига киради.

Суннат муҳаддислар истилоҳида қуйидагича таъриф қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар “Суннат” дейилади”.

**(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Иймон” китоби, 334 – 336-бетлар)**

“Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Ҳазрати Муҳаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқорироққа ўта олмайди”.

**Гёте, немис шоири**



“Ҳазрати Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) одам боласи бўлгани бутун инсониятга фахрдир. Чунки у зот умумий бўлса-да, ўн тўрт аср аввал шундай қонун ва асосларни келтирдик, биз оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб ецак, энг масъуд, энг саодатли насллар бўлампиз”.

**Шебол, файласуф**

“Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да, кўп иш қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, Муҳаммад (алайҳиссалом) инсонларнинг энг буюгидир. Пайғамбар, нотик, даъватчи, қонуншунос, жангчи, қалбларнинг ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом, давлат арбоби, ер юзининг йигирма минтақасида исломий салтанат қура олган... Муҳаммад (алайҳиссалом) ана шундай зот эди! Унга ҳеч қайси буюк инсон тенглаша олмайди! Наҳотки у ўлчовларга сиғса?!”

**Ламартин, франсуз олими**

“У бир пайтнинг ўзида ҳам Папа, ҳам Сезар эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўқ эди. Сезар бўлиб, унда Сезарнинг беҳисоб лашкари ҳам йўқ эди. Агар бирон бир шахс мунтазам кўшинсиз, тансоқчиларсиз, саройларсиз, давлат даромади (солиқларсиз), мен Унинг изни-ихтиёри билан бошқардим, дея олса, унда у Муҳаммаддир (алайҳиссалом). Чунки унинг қўлида ҳеч қандай бошқарув воситаларисиз ва асосларисиз ҳокимият бор эди”.

**Аннай Безант, ҳинд олими**

“Ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақида гапирганларимиз бир нуқтада тўпланади. У ҳам бўлса, бу зотнинг хулқ-атвори юксаклиги, ахлоқининг покизалигидир. Булар шундайин улўф фазилатларки, у замондаги маккаликлар орасида жуда нодир эди”.

**Виям Муир, Оврупа шарқшунос олими**

“Аллоҳ таолонинг бирлиги ва борлигини Мусо (алайҳиссалом) миллатига, Исо (алайҳиссалом) умматига, Муҳаммад (алайҳиссалом) бутун инсониятга билдирди”.

**Напольеон, Франция императори**

“Машур пайғамбарлар ва фотиҳлар орасида ҳаёти Ҳазрати Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) тарихидек энг кўп ва барча нуқталарда батафсил ўрганилган шахс йўқ”.

**Жон Девенпорт, инглиз олими**

“Дунёдаги таъсири энг кучли шахслар рўйхатининг бошига Муҳаммадни (алайҳиссалом) ёзиб қўйсам, эҳтимол айрим мухлисларим таажжубга тушишар? Бошқалар бунинг эҳтимол бошқача тушунишар? Нима бўлганида ҳам, у дунёвий ва диний соҳалардаги самарали ишлари билан тарих саҳнасидаги ана шу мўътабар мақомга муносибдир”.

**Мишел Харт, Америка тарихчиси**

“Муҳаммад (алайҳиссалом) тарғиб қилган ғояларнинг жозибаси унинг издошларини Пайғамбар шахсияти сари тортаверади. Зеро, у одамларни ақл-идрок ва дин билан бошқарган эди”.

**Эдвард Гиббон, инглиз олими**

“Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) зафар-ютуқлари унинг буюклигига далолатдир. Бундай мақом-мартабага эришган бошқа шахс Ғарбда маълум эмас. Уни сеҳргарликда айблаш мақсадига эришолмай, ноилож қолган одамнинг чиранишидир”.

**Виям Монтгомери, Оксфорд университети профессори**

**Савол:**

Ассалому алайкум шайх ҳазратлари!

Ҳозир Ислом.уз порталингиздаги «Мўъжизалар» бўлимида немис олимнинг думғаза ҳақидаги кашфиётини ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом у нарсанинг чириб кетмасдан қолажагини башорат қилганликларини ўқидим. Мен Аллоҳнинг қиёмат куни тирилтиришига шак шубҳасиз ишонаман (Алҳамдулиллаҳ). Йўқдан бор қилган Зотга бу ҳеч нарса эмас. Мен тушунмаётган нарса шуки, сизлар қиёматда шу думғазадан яратиламиз деяпсизлар. Албатта, биз вафот этганимиздан кейин ерга кўмиламиз. Мана шу парча аъзойимиз эса чиримасдан қолар экан. Лекин бу парча аъзо ёндирилган одамларда қолмайди ку, куйиб кул бўлади ку. Албатта, Аллоҳ учун кулдан бор қилиш осон ишлигига ишонаман (алҳамдулиллаҳ). Мени ажаблантирган нарса ўқиган нарсанинг мана бу ери бўлди:

«Инсон думғазадан яратилган.

– Думғаза ерда чириб кетмайди.

– Қиёмат куни ҳар бир инсон шу суякдан қайта тирилади»

Агар ҳар бир инсон шу суякдан қайта тирилади десак, унда бу суяк куйиб кетган таналарникини қолиб кетади ку.

Агар беодоблик қилган бўлсам, узр сўрайман.

Аллоҳ илмингизни янада зиёда қилсин.

Ассалому алайкум.

Ушбу икки ҳадисдан бошқа шу маънодаги гапни тасдиқловчи яна бир қанча ҳадислар келган. Сиз ушбу мактубингиз ила уларнинг ҳаммасини инкор қилмоқдасиз.

Бунинг устига олимлар мазкур «ажбуз-занаб»ни топиб, синаб кўришган. Уни ҳеч нарса билан йўқотиб бўлмаган. Агар сиз «Уша «ажбуз-занаб»ни ўтда куйдириб кўрдим, куйиб йўқолиб кетди», деганингизда қойил қолар эдик. Ёки «Фалон ўтда куйган одамнинг кулини титиб, «ажбуз-занаб»ни топа олмадим», деганингизда ажойиб бўлар эди.

Мусулмон кишининг одоби саҳиҳ ҳадисда келган гапни чуну чаросиз тасдиқлашдир. «Мен бунга ишонмайман» дейишнинг ўрнига «Буни тушуниш учун илмим етмаяпти» дейиш керак.

Сиз инкор қилган нарсани етти пушти Исломдан, Қуръони Каримдан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, ҳадисдан умуман беҳабар бўлган мусулмонмас қавмларнинг катта олимлари тан олмақдалар. Баъзилар мусулмон ҳам бўлмақдалар.

Айнан ушбу ҳадиснинг мўъжизаси яна ҳам дақиқроқ аён бўлган илмий кашфиёт ҳақидаги маърузани менинг ўзим кўрганимни сиз инкор қила олмаганингиз керак.

Бундан бир неча йил олдин Кувайтда «Қуръони Карим ва Суннатдаги илмий мўъжизалар» борасидаги саккизинчи умумжаҳон илмий анжумани бўлиб ўтди. Уша анжуманда АҚШдан келган катта илмий гуруҳ ушбу сиз инкор қилаётган ҳадис ҳақида янги оламшумул кашфиёт қилганини эълон қилди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан бир минг тўрт юз йил илгари айтган ҳадислари илмий мўъжиза экани, у кишининг ҳақиқий пайғамбар эканлари далили бўлишини таъкидладилар. Маъруза қилган мусулмонмас одам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар тилга олганда у кишига араб тилида салавот ва салом айтиб сўзлади. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сиз инкор қилаётган ушбу ҳадислари юзасидан эркакларнинг уруғлигида тажриба ўтказибдилар. Бир уруғликнинг думини - «ажбуз-занаб»ини кесиб олиб, бошқа уруққа ёпиштиришибди. Уша уруғни урчителишган экан биринчи уруғ эгасига ўхшаш бола туғилибди. Бундан улар «ажбуз-занаб» инсоннинг коди экан, деган хулосага келибдилар.

Доктор Усмон ал-Жийлоний ва шайх Абдулмажид аз-Зиндонийлар ҳам 2003 йилнинг Рамазон ойида Санодаги Зиндонийнинг уйда думғаза билан бир неча илмий тажрибалар олиб боришди. Умуртқа думғазаси тўла аланга олиб ёнмагунича газ алангасига ўн дақиқа тутиб турилди (суяк олдин қизил рангга киргунча ловуллаб ёнди, кейин эса қорайиб кетди)

Улар куйдирилган бўлақларни стерилланган колбага (лаборатория шиша идиши) солиб, Санодаги машҳур илмий-тадқиқот лабораториясига (ал-Олакий лабораторияси) олиб боришди. Гистология ва патология университети профессори доктор ал-Олакий тўқима бўлақларни ўрганиб, унинг куйдирилгани думғазанинг суяк тўқималарига таъсир қилмаганини айтади, яъни улар куйдирилгани билан ўзгармаган (фақат мушак, ёғ тўқимаси ва илик куйган, думғаза суякларининг ҳужайраларида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган).

Энди сиз ҳам тажриба ўтказишингиз мумкин. Бир неча дона «ажбуз-занаб»ни топиб, оловда куйдириб кўринг. Куйиб кетса, Исломга, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва ҳадисга қарши катта кашфиёт қилган бўласиз. Агар куймай қолса, нима қилишингизни ўзингиз биласиз.

**Жавоб:**

- Бу гапни биз айтаётганимиз йўқ. Аввало бу гапни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар. Сиз ҳадис билан оддий одамнинг гапини фарқига боришингиз керак.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

**«Инсоннинг ҳамма жойи чириб йўқ бўлади, фақат ажбуз занаб чиримайди. Инсон ундан яратилган эди, қиёмат куни яна ундан яратилади».**

Имом Бухорий, Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад ва Молик ривоят қилишган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

**«Пайғамбар алайҳиссалом дедилар:**

**«Инсоннинг бир суякдан бошқа ҳамма нарсаси чирийди. Бу чиримагани – «ажбуз-занаб» деб аталувчи суякдир. Қиёмат куни қайта тирилиш шундан таркиб топади».**

Муслим ривоят қилган.


Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисларда инсон вужудидаги, табиатдаги жуда кўп ҳайратланарли илмий далиллар баён қилинган. Уларнинг кўпи замона-мизда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида кашф қилинди ёки тасдиқланди. Келажак технологиялари воситасида очилажак яна кўпгина илмий далиллар борлиги шубҳасиз.

Аллоҳ таоло айтади: **“Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи уларга Унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!”** (Фуссилат сураси, 53 оят)

Анъом сурасининг 21 оятида эса: **“Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан ҳам кўра золиброқ кимса борми? Албатта, золиmlар нажот топмаслар”** деган.

Ҳурматли ўқувчилар, қуйидаги маърузада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг элчиси экан-ларига ва биз у зотнинг белгиларини инкор этмай, аксинча сўзсиз эргашишимиз кераклиги ҳақидаги ишончли ҳужжат-далиллар билан танишасиз.

## Думғаза мўъжизаси



Расм: 1  
Steißbein – думғаза (хвостцовая кость)  
ажбуз-занаб» – думғазанинг учидаги жуда кичик суяк.

Думғаза инсон умуртқа поғонасининг энг охириги суяги бўлиб, инсоннинг бир аъзоси ҳисобланади, у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Бошқа суяклардан фарқли ўлароқ у ерда чириб ҳам кетмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина ҳадиси шарифларида айтилишича, инсон думғаза суягидан яратилган, кейин қиёматда яна шундан яратилади.

Ҳадиси шарифларда айтилишича: Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Инсоннинг ҳамма жойи чириб йўқ бўлади, фақат думғаза суяги чиримайди. Инсон ундан яратилган эди, қиёмат куни яна ундан яратилади”.

Имом Бухорий, Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа ҳадис китобларида, Имом Аҳмад “Муснад”ида ва имом Молиқнинг “Муватто”сида ривоят қилинган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтади: Пайғамбар (алайҳиссалом) бундай деганлар:

“Инсоннинг бир суякдан бошқа ҳамма нарсаси чириydi. Бу чиримагани – “ажбуз-занаб” деб аталувчи думғазадир. Қиёмат куни қайта тирилиш шундан таркиб топади” (Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисларда думғаза ҳақидаги бундай фикрлар ва далиллар ифодасини топган:

- Инсон думғазадан яратилган
  - Думғаза ерда чириб кетмайди
  - Қиёмат куни ҳар бир инсон шу суякдан қайта тирилади
- Қуйида ушбу сўзларни исботловчи илмий далиллар келтирилади.

## Илмий далил

### 1. Ҳомила ривожланишининг даврлари

Нутфа ва тухумҳужайра қўшилганидан сўнг ҳомила (эмбрион) ривожлана бошлайди. Уруғланган тухумҳужайра бўлинишни бошлайди: бир ҳужайрадан иккита, улардан эса тўртта ҳосил бўлади ва ҳоказо. Ҳужайраларнинг бўлиниши ва ривожланиши “эмбрионал диск” шаклланишигача давом этади, улар иккита қатламдан иборат:

#### 1) Ташқи эпипласт:

Бу ерда цитотрофобласт жойлашган бўлиб, у ҳомила она қонидан ва бачадон деворидан керакли озуқа билан таъминланиб туриши учун эмбрионни бачадон деворига маҳкам ўрнаштиради.

#### 2) Ички хипопласт:

Бунда, Аллоҳ таолонинг иродаси билан ҳомила ҳосил бўлади. 15 кун сўнг эмбрионнинг энг пастки қисмида «жўн тасма» (примитивные полосы) деб аталмиш биринчи чизиқларни пайқаса бўлади. Бу чизиқнинг охирида эса биринчи кичкина чизиқча, яъни «жўн тугунча» (примитивный узел) бор.

«Жўн тасма» ҳосил бўладиган тараф «эмбрионал диск»нинг орқа томони бўлади. Қуйида “жўн тасма” ва

«жўн тугунча»дан барча аъзолар ва тўқималар шаклланиши баён этилади.

- Эктодерма: тери ва марказий асаб тизимини ташкил қилади

- Мезодерма: ҳазм қилиш йўли, юрак, қон айланиш, суяклар, сийдик ва жинсий тизимлар, тўқима ости, лимфа ва талоқларда юмшоқ мушакларни ҳосил қилади

- Эндодерма: овқат ҳазм қилиш тизимидаги шиллик парда, нафас олиш тизими, ҳазм қилиш йўлига тегишли аъзолар, қовуқ, қалқонсимон без ва эшитиш йўлларини ҳосил қилади

“Жўн тасма” ва “жўн тугунча” умуртқанинг охириги қисмигача давом этиб чўзилганидан сўнг булардан думғаза ҳосил бўлади.

Хулоса: думғаза “жўн тугунча” ва “жўн тасма”дан ташкил топган бўлиб, улар ўсиб уч қатлам ҳосил қилиши мумкин, булардан эса ҳомила шаклланади: эктодерма, мезодерма ва эндодерма.

Эмбрион ривожланишида “жўн тасма”нинг катта аҳамиятга эга эканининг далили сифатида Британиянинг WARNEK қўмитаси (Инсон ирсияти ва уруғлантириш соҳаси бўйича нуфузли қўмита) тадқиқотчи ва шифокорларга сунъий йўл билан уруғлантирилган ва “жўн тасма” шаклланган эмбрионлар устида тажрибалар олиб борилишини ман қилади.



Female infant with a large sacrococcygeal teratoma that developed from remnants of the primitive streak. The tumor, a neoplasm made up of several different types of tissue, was surgically removed. About 75% of infants with these tumors are female; the reason for this preponderance is unknown. (Courtesy of A.E. Chudley, MD, Section of Genetics and Metabolism, Department of Pediatrics and Child Health, University of Toronto)

2-расм: Тератома - думғазанинг умуртқанинг поғонаси билан уланган жойи

## 2. Ҳомиланинг ноқислиги думғазанинг инсон учун она ҳужайра экани далилидир

Думғазанинг сўнги умуртқасида жойлашган “жўн тасма” ва “жўн тугунча”дан ҳомила пайдо бўлиб ва шаклланганидан кейин “жўн тасма” ва “жўн тугунча” унинг хос хислатларини сақлаб қолади. Бордию улар айний бошласа, ҳомила билан биргаликда шиш (тератома) пайдо бўлиши ва у бузилган ҳомилани айрим тўла шаклланиб улгурган аъзолар (масалан, тиш, соч ва ҳоказо, шунингдек қўл ва оёқ бармоқлари) билан бирга намоён қилиши мумкин бўларди. Шундай қилиб, жарроҳ бу шишни очиб кўрганида тўлиқ шаклланган аъзолар борлигини аниқлайди. Бундан думғаза таркибида аслида она ҳужайралари борлиги маълум бўлади.

## 3. Ханс Спеманн тажрибалари

Тадқиқотчилар аниқлашча, ҳужайраларнинг тузилиши ва ҳомиланинг ҳосил бўлиши “жўн тасма” ва “жўн тугунча”дан бошланади. Бу қисмлар тузилишидан олдин ҳужайраларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бўлиниши асло мумкин эмас. Буни исботлаган энг машҳур тадқиқотчилардан бири немис олими Ханс Спеманндир. У “жўн тасма” ва “жўн тугунча”лар устида ўтказган тажрибаларида уларнинг ҳомила ривожланишини ташкил қилишини аниқлади ва шунинг учун уни “The primary organizer” (яъни «бирламчи асос» - «бошлаб берувчи») деб атади.


У тажрибаларини амфибиялардан (сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшай оладиган жонзотлар) бошлади. Тажрибаларининг бирида у бир ҳомилани “бирламчи асос”ни айна шу “ёш”даги (яъни, учинчи ёки тўртинчи ҳафталик биринчи ҳомила давридаги) бошқа ҳомиланинг эпипластига кўчириб ўтқазди. Бу тажриба кўчириб ўтқазилган “бирламчи асос”дан иккинчи эмбрионнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўчирилган аъзо “янги муҳит” атрофидаги ҳужайраларга таъсир кўрсатди. Натижада биринчи ҳомила танасида иккинчи ҳомила ҳосил бўлди.

## 4. Думғаза ҳужайралари шикастланмайди ва бузилмайди.

1931 йил Спеманн “бирламчи асос” ҳосил қиладиган тўқимани майдалаб, уни қайта кўчириб ўтқазди, майдалаш эса тажрибага таъсир қилмайди ва ҳеч нарсага қарамай иккинчи эмбрион ҳосил бўлади. 1933 йили Спеманн ва бошқа тадқиқотчилар худди шу тажрибани такрорлашади, аммо бу сафар “бирламчи асос” ҳосил қиладиган тўқимани майдалашдан олдин қайнатишади.

Аммо бу сафар ҳам ҳеч нарсага қарамай иккинчи эмбрион ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бу ҳужайрага ҳеч нарса таъсир қилмаслиги маълум бўлади.

«Бирламчи асос» кўчириб ўтқазилганидан кейин иккинчи ҳомиланинг пайдо бўлиши чизмаси. Манба: Keith L.Moor. The Developing Human.



1935 йил Спеманн “бирламчи асосни” кашф этгани учун Нобел мукофотини олади.

Доктор Усмон ал-Жийлоний ва шайх Абдулмажид Аз-Зиндонийлар ҳам 2003 йилнинг рамазон ойида Санодаги Зиндонийнинг уйида думғаза билан бир неча илмий тажрибалар олиб боришди. Умуртқа думғазаси тўла аланга олиб ёнмағунича газ алангасига ўн дақиқа тутиб турилди (суяк олдин қизил рангга киргунча ловуллаб ёнди, кейин эса қорайиб кетди)

Улар куйдирилган бўлакларни стерилланган колбага (лаборатория шиша идиши) солиб, Санодаги машҳур илмий-тадқиқот лабораториясига (ал-Олакий лабораторияси) олиб боришди. Гистология ва патология университети профессори доктор ал-Олакий тўқима бўлакларни ўрганиб, унинг куйдирилгани думғазанинг суяк тўқималарига таъсир қилмаганини айтиди, яъни улар куйдирилгани билан ўзгармаган (фақат мушак, ёғ тўқимаси ва илик куйган, думғаза суякларининг ҳужайраларида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган).

## Мўъжиза жиҳати

Муҳаммад алайҳиссаломнинг думғаза ҳақидаги ҳадислари Пайғамбаримизнинг илмий мўъжизаларига қиради, чунки эмбриология инсон танасининг барча қисм ва аъзолари думғазадан чиққанини аниқлаган бўлиб, ҳомилашунослик тилида буни «бирламчи асос» (первичный образователь) ҳам дейишади. Бу «бирламчи асос» ҳужайраларнинг кўпайишига ва тўқималарнинг дифференциациялашувига сабаб бўлади, бу эса асаб тизимининг бирламчи шаклда ривожланишига олиб келади. Улимдан кейин, Қиёмат куни инсон шу суяқдан, аниқроғи шу суякнинг эмбрионни ҳосил қилдирадиган ҳужайраларидан қайта таркиб топади.

2. «Бирламчи асос»ни такрорий қайта кўчириб ўтқазилиши, майдаланиши ёки куйдирилиши тажрибага асло таъсир қилмайди, эмбрион ҳеч нарсага қарамай ҳосил бўлаверди. Куйдирилиш ҳам думғаза суяк ҳужайрасининг тўқималарига таъсир қилмаслиги аниқ бўлди. Бу тажрибалар натижаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифларидаги думғазанинг ерда чиримаслиги ва бутунлай йўқ бўлиб кетмаслигини ҳақидаги гапларини бутунлай тасдиқлади.

(Аллоҳ таоло билувчидир).

Абу Муслим таржимаси  
(way-to-Allah.com)

## ДУМҒАЗА ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Қиёмат сурасининг 3-оятда бундай дейилган: «Инсон унинг суякларини тўплай олишимизга шубҳа қиладимиз?». Ояти каримада айтиляпти: айрим инсонлар шунчалик нодон ва фаросатсизки, ҳатто ўлганларидан кейин қиёматда Биз уларнинг суякларини тўплаб қайтадан тирилтиришимизга ишонмайди. Бу нарса Бизга асло қийинчилик туғдирмайди. Аллоҳ таоло айтади: «Улар: «Суяк ва мурдаларга айланиб кетгач, ҳақиқатан ҳам янгитдан яралиб, тириларикизмиз?» дейишади» (Исро, 49); «Бу – Бизнинг оятларимизга куфр келтирганлари ҳамда: «Суяк ва мурдаларга айланган вақтимизда янгитдан яралиб, қайта тириламизми?» деганларнинг жазосидир» (Исро, 98); «Ахир ўша инсон Биз уни олдин ўзи йўқ нарса бўлган пайтида яратганимизни эсламайдими?!» (Марям,

